Истиқлолнинг 21 йиллиги муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 30-avgust, №35 (816)

Фахрия



Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақилликка эришганига йигирма бир йил тўлди. Тарих мезонлари билан ўлчаганда йигирма бир йил ғоят қисқа муддат эканлигини барчамиз яхши англаймиз. Бироқ биз учун том маънодаги янгиланиш ва юксалиш босқичи бўлган бу даврни ойлар ва йиллар билан эмас, балки амалга оширилган бунёдкорлик ишларимизнинг салмоғи билан ўлчайдиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу йилларнинг ҳар бири чиндан ҳам ўн, керак бўлса, юз йилларга тенг бўлиши муқаррар.

Йўлинг ойдин бўлсин, катта карвоним!

Истиқлол шарофати билан ўзлигимизни, қандай буюк зотларнинг авлоди эканлигимизни англадик, бунёдкор ва яратувчан халқ сифатида мамлакатимизнинг улкан имкониятларини бутун оламга намоён қила олдик. Мустақиллик берган беқиёс имкониятлар натижасида эркин ва фаровон ҳаётимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.

Истиқлол боис биз учун дунё эшиклари, манфаатли ҳамкорлик йўллари очилди. Янада муҳими, одамлар тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан ҳеч бир ҳадиксирамай шуғуллана бошладилар. Жамият ҳаётида ижтимоий адолат принциплари қарор топди. Ишнинг кўзини биладиган, жўрътли, ташаббускор кишиларни давлат ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлай бошлади.

Истеъдод халқнинг, миллатнинг ноёб мулки ҳисобланади. Уларга имкон берилса, меҳнат ва изланишлари ўз вақтида рағбатлантирилса, ҳаёт янада фаровон бўлади. Шўролар замонида эса бунинг тамомила акси эди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар, миллий қадриятларимизни тиклаш, бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш, давлатимиз ва халқимиз хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, келажагимиз эгалари бўлган барқамол авлодни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилган ва оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари самараси бугун яққол намоён бўлиб, барчамизга чексиз фахру ифтихор бахш этмоқда.

Президентимиз томонидан мамлакатимизнинг имкониятлари ва салоҳияти, халқимизнинг ўзига хос менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган мустақил ривожланиш йўли, машҳур беш тамойилга асосланган тараққиётнинг "ўзбек модели"ни изчил ва босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш самарасида бунга эришилмоқда. Иқтисодиётнинг ёқилғи-энергетика, нефт-кимё, автомобилсозлик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларини, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, капитал қурилиш, замонавий автомобил ва темир йўллар, коммуникация ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича қабул қилинган дастурлар ўзининг юксак самарасини бермоқда.

Ҳақли равишда XXI аср мўътижзаси деб таърифланаётган, Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўли қурилиши бир пайтлари, ҳатто тасаввур қилиш қийин бўлган улкан ва мураккаб лойиҳа айнан мустақиллик йилларида амалга оширилди. Натижада денгиз сатҳидан 1550 метр баландликда бўлган Ҳисор тоғ тизмаларини мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишида ғоятда муҳим аҳамият касб этадиган янги темир йўл линияси кесиб ўтди.

Мазкур иншоот янги истиқболлар сари йўл очди. Мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида аниқланган табиий минераллар заҳираларидан самарали фойдаланиш, темир йўл кесиб ўтган ҳудудларда саноатни ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзини тубдан яхшилаш ва бошқа шу каби катта ишларни амалга ошириш борасида чексиз имкониятлар яратилди. Денгиз сатҳидан 2268 метр баландликда жойлашган тоғлар бағрини кесиб, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини Фарғона водийси билан боғлайдиган Қамчиқ довони бўйлаб замонавий мезонларга тўла жавоб берадиган автомобил йўли қурилди.

/Давоми 3-бетда/

Хушхабар

Юксак мукофотлар билан тақдирландилар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, бир қатор прокурор-тергов ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотландилар:

«ДЎСТЛИК» ордени билан

Цой Дмитрий Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси бўлим бошлиғи

«ЖАСОРАТ» медали билан

Хуррамов Улуғбек — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» медали билан

Аглаев Ботир Турсунпулатович — Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

Мирсалихов Мирзафар — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

Низамов Жомол Рашидович — Наманган вилояти Учқўрғон тумани прокурори

«ШУҲРАТ» медали билан

Аминжонова Матлуба Ахмедовна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи

Ахмедова Евгения Собировна — Самарқанд вилоят прокуратураси нозири

Елмуратов Даулетбай Марқабаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани прокурори

Ибрахимов Улуғбек Рўзибоевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлим бош тафтишчиси

Мингиров Виктор Шауколович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлим бошлиғи

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 августдаги Фармони билан давлат идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходими **Нурулла Шукурович Жабборов** (марҳум) **«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ордени билан** мукофотланди.

Ифтихор

Мустақиллик – бу ҳуқуқ дегани

Мамлакатимиз бугун катта байрам арафасида турибди — ўзининг ўлмас, шоншукуҳли ва ғурурли тарихига, жаҳон цивилизациясига, дунё фани, маданияти ва маънавиятига, муқаддас Ислом дини ривожланишига ўзларининг бебаҳо ҳиссаларини қўшган буюк алломалари, олимлари, давлат арбоблари ва саркардаларига эга бўлган халқимиз ўз тарихининг бетакрор саналаридан бирини, яъни мустақиллигининг 21 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Мамлакатимиз тарихан жуда қисқа давр, яъни ўз сиёсий мустақиллигига эришганидан сўнг ўтган 21 йил ичида барча жабҳаларда асрларга татигулик улкан ўзгаришлар амалга оширилиб, катта ютуқларга эришилди.

Халқимиз мустақилликнинг ҳақиқий маъносини шууран англади, бу сўзнинг замирида ҳурлик, эркинлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ҳал қилиш, тарихий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий жиҳатдан қанчалик буюклик ётганлигини ҳамда Ватанни асраш, уни эъзозлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини тўла тушуниб етди. 1991 йил 31 августда буюк ва шон-шуҳратли тарихига эга бўлган халқимизнинг азалий орзуси ушалиб, жаҳон харитасида ўз ҳаётининг янги буюк даврини бошлаган Ўзбекистон давлати пайдо бўлди. Ўз давлат мустақиллигини эълон қилгач, давлатимиз ўзининг маданий ва барқарор бозор иқтисодиётига, ошкора ташқи сиёсатга асосланган фуқаролик жамияти, адолатли ҳуқуқий демократик давлат қуришга қаратилган тараққиёт йўлини белгилаб олди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита раҳнамолигида, ижтимоий адолатли жамият ва ҳуқуқий демократик давлатни тўла шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчиллик билан олиб борилмоқда.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан ҳам пойтахтда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида аниқ мақсад сари йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Прокуратура органлари бугунги кунга келиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини амалда ҳимоя қилувчи органга айланганини эришилган натижалардан ҳам кўрсак бўлади. Чунончи, мустақилликка эришганимиздан буён ўтган 21 йил давомида Тошкент шаҳар прокуратураси органларига фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2012 йилнинг ўтган 7 ойида келиб тушган мурожаатларнинг 794 таси қаноатлантирилган, жами 10 073 нафар фуқаролар шаҳар прокуратура органларида қабул қилинган.

/Давоми 4-бетда/

Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётган шу кунларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги улуғ сана — мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик байрами кенг нишонланади. Мустақил диёримизда тарихан қисқа муддат ичида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда эришилган ютуқлар, халқимиз ҳаётида юз берган жуда катта ижтимоий ўзгаришлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

21 ёшинг муборак, мустақил юртим!

Лола ШОМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Энг аввало шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ватанимиздаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, фаровонлик халқимизга мустақиллик туҳфа этган азиз неъматлардандир.

Бугунга келиб мустақилликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Ўзбекистон эришган улкан муваффақиятларни жаҳондаги тараққий этган давлатлар ҳам эътироф этмоқдалар. Ўзбекистон халқи ўз Юртбошиси Ислом Каримов раҳбарлигида танлаган йўлнинг нақадар тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда.

Истиқлол йилларида туб ислоҳотлар жараёни барча соҳаларни ўз ичига қамраб олди. Мазкур ислоҳотлар, Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, энг аввало инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Зеро, ислоҳотларнинг пировард мақсади фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, уларнинг мустақиллик меваларидан тўла баҳраманд бўлишларига қаратилгандир.

Мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳаси тубдан ислоҳ қилинди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган миллий қонунлар яратишга, бунда асосий эътибор инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишига қаратилди. Мукаммал тарзда ишлаб чиқилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг мутлақо янги концепцияси босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

21 йил. Аслида юксалиш йиллар саноғи билан эмас, балки амалга оширилган эзгу ишлар салмоғи билан белгиланади. Шу жиҳатдан ҳам мамлакатимиз дунё саҳнида ўз нуфузи ва ўрнини ҳавас қилгулик даражада эгаллаб улгурганлиги бугунги кунда сиёсатшунослар, қолаверса, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан тан олинаётганлиги қувонарли ҳолдир, албатта.

Ана шундай шукуҳли кунларда яна бир нарса ёдимизга тушади.

1997 йилнинг 27 августи. Ана шу санада бугун барчамизнинг севимли нашримизга айланиб улгурган "HUQUQ" газетасининг илк сони чоп этилган эди. Шунга ҳам мана роппароса 15 йил тўлди. Ушбу давр мобайнида газета юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ёритишда, ушбу ислоҳотлар туб моҳиятини халқимизга етказиб беришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олди.

Ўйлаймизки, қадрдон газетамиз бундан кейин ҳам юртимиз нашрлари орасида ўз ўрнини мустаҳкамлаб, халқимиз ишончини қозонаверади.

Таҳририят жамоасига шарафли ва масъулиятли ишларида омад ва ижодий баркамоллик тилаб қоламан.



Абадий барҳаёт қўшиқ

Нуриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,
Деҳқонобод туман прокурори

"Энг улуғ, энг азиз" — Ватан мустақиллигини улуғловчи бу таъриф ҳаводан олиб айтилган эмас, унда халқимизнинг нафаси, қалб ҳарорати бор. Мана 21 йилдирки, халқимиз мустақилликни куйлайди. Уни дунё тургунча мадҳ этиш ҳар бир соф ниятли кишининг қалб даъватига айланиб бормоқда. Чунки Ватан мустақилликка эришгандан кейингина биз эркни танидик, ҳақиқий ҳаёт нималигини англадик.

Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни қаламга оладиган бўлсак ёки рақамга соладиган бўлсак, ақл бовар қилмайдиган хулосалар намоён бўлади. Мен шулардан фақат биттаси хусусида тўхталмоқчиман. Бу инсон қадрининг олий мақомга кўтарилишидир, инсон шаънининг улуғланишидир.

Мамлакатда қабул қилинаётган ва амалда бўлган ҳар бир қонун ва қонуности ҳужжатлари адолат мезонига асосланган. Улар инсон манфаатларини, унинг эркини, соғлиғи ва билим олишини, меҳнат қилишини ҳамда жуда кўплаб бошқа эҳтиёжларини муҳофаза қилишга қаратилганлиги, бир сўз билан айтганда, инсон манфаати олий қадрият эканлигининг ҳам амалий, ҳам назарий исботидир.

Таъкидлаш жоизки, муҳтарам Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ маънавий баркамол авлодни шакллантиришга асосий эътиборни қаратди. Инсон оилада камол топишини эътиборга олади ган бўлсак, юксак маънавиятли инсонни тарбиялаш учун, аввало, оиланинг барқарорлигини таъминлаш зарурати туғилади.

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида Президентимизнинг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги (2012 йил 27 февраль) Қарори бу борада амалга оширишимиз зарур бўлган асосий мезонларни белгилаб берди.

Қарорда оилалар, энг аввало, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигининг таъкидланиши ҳам инсонпарварликнинг олий намунаси сифатида халқимиз юрагидан чуқур жой олди.

Буларнинг барчаси мустақиллик самарасидир. Шунинг учун ҳам халқимиз ҳар йили Истиқлолга эришган кунимизни зўр қувонч билан кутиб олади ва уни энг улуғ, энг азиз байрам сифатида нишонлайди.

Инсонпарварлик тамойилларига асосланган мамлакатимизда "Оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарор" деган тамойилга амал қилинади. Бу тамойилга кўра, давр талабларини ҳисобга олиб, инсонпарварликка асосланган қонунчиликни ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилиш прокуратура ходимлари зиммасига муҳим вазифа сифатида юклатилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.


Шунингдек, "Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (2012 йил 30 апрель) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам оила институтини ривожлантиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларимизнинг бахтли яшаши ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган ушбу ҳужжатда, жумладан, шаҳарлар, туманлар ва шаҳар посёлкаларида яшовчи ёш оилалар учун уй-жой қурилиши дастурини кенгайтириш, уй-жой қуриш ва маиший турмушни ташкил этишда ёш оилалар учун шарт-шароитлар яратиб бериш кўзда тутилганки, бу ҳам инсонпарварликнинг олий намунаси, десак хато бўлмайди. Зеро, уй қуриш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Хусусан, ҳали ўзини ўнглаб олмаган ёш оилалар бу борада бир қатор муаммоларга дуч келадилар. Улар учун қулай маиший шароитларнинг давлат томонидан амалга оширилиши, имтиёзли кредитлар берилиши, нархи у даражада қиммат бўлмаган уй-жойларга эга бўлиш бугунги ёшларимизни чиндан-да қувонтиришига шубҳа йўқ.

Такрор бўлса ҳам айтамизки, биз Истиқлол туфайли ана шундай мақомга, дунё халқлари ҳавас қилса арзигудек даражага эришдик. Шунинг учун ҳам Мустақилликка эришган санамиз — 1 сентябрни тўлиб-тошиб, катта қувонч билан нишонлаймиз ва бу байрамни ҳақли равишда "Энг улуғ, энг азиз" дея мадҳ этамиз. Бу абадий барҳаёт қўшиқ бўлиб қолаверади.

Истиқлол шарофати

Шавкатжон РАҲИМОВ,
Уйчи туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Эрта-индин энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллиги айёмини нишонлаймиз. Бундай ҳаяжонли лаҳзаларда шу чоққа қадар босиб ўтилган йўлга теран нигоҳ ташлайдиган бўлсак, тарихан қисқа даврда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз. Эришган ютуқларимиз ҳақида жаҳоннинг энг нуфузли иқтисодчилари, сиёсатчилари ижобий фикр-мулоҳазалар билдирмоқдалар. Ахир бундан ғурурланмай бўладими?



Мустақиллик... Истиқлол... Инсон борки, шу улуғ туйғуни дилига жо қилиб, унга интилиб яшайди. Шу буюк, эзгу ниятни амалга ошириш учун жасорат билан курашишга бел боғлайди. Тарихда ўтган аждодларимиз тақдири бунга яққол мисол бўла олади. Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Торобий, Амир Темур... Улар Ватан мустақиллиги, юрт озодлиги учун курашганларнинг байроқдорларидир. Улардан кейин ҳам қанчадан-қанча фидойи аждодларимиз мустақиллик, ҳурлик, тенглик йўлидаги курашларда қурбон бўлдилар. Улар кўрмаган Ватан мустақиллигини биз кўрмоқдамиз, истиқлол шарофатидан биз баҳраманд бўлмоқдамиз.

Бундан 21 йил муқаддам, айтиш мумкинки, Ватанимиз ва халқимиз тарихи ҳамда ҳаётида ҳар жиҳатдан улкан давр бошланди. Мустақиллик бизга учун тасодиф эмас, у қонуний амалга оширилди. Унга ортиқча жанжал-тўполонларсиз, қон тўкилмасдан эришилгани катта ютуғимиз бўлди. Собиқ "қизил империя"нинг инқирози, қабиҳ жамиятнинг ич-ичидан чириши муқаддас озодликни рўёбга чиқарди.

Бўйимиз дунё халқлари билан тенглашди. Халқаро минбарларда сўзимиз ўткир ва тилимиз бурро бўлди. Онгимиз равшанлашди. Миллий уйғониш содир бўлиб, давлатимиз ўз суверенитетига, халқимиз мулки, тили, дини, виждон эркинлигига эга бўлди.

1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал қиладиган энг нуфузли халқаро ташкилот пештоқида Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпирай бошлади.

Эркинлик ва озодликка эришиш ҳеч қачон осон кечган эмас. Ўтган 21 йиллик давр мустақиллик йўли машаққатли ва оғир бўлишини кўрсатди. Ана шу йиллар давомида ким бизга дўсту, ким душман, ким бизга яхшилик тилайдию кимнинг қўйнида тоши борлигини тобора аниқ билиб олмоқдамиз.

Дунёнинг бизга хайрихоҳ бўлган давлатлари, халқлари билан дўстлик ришталарини боғламоқдамиз. Мустақиллигимизга ғайир кўз билан қарайдиган, бизга ақл ўргатмоқчи бўлганларга ҳам айтар сўзимиз, жўяли жавобимиз бор. Чунки биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам! Юртимиздаги барқарорлик, тинчликни издан чиқариши мумкин бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш учун доимо ҳушёрмиз. Чунки озодлик сотиб олинмайди, у курашлар орқали қўлга киритилади.

Инсон — борлиқнинг гултожи. У ҳамиша эркка интилиб яшайди. Унинг буюк ақидаси — озодлик, мустақиллик. Тўғри, истиқлол — улуғ неъмат. Унинг ширин-шакар мевалари бор. Булардан баҳраманд бўлиш учун эса, шу мамлакат тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.

Ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши таниган, боқимандаликни ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, шахсий манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонгина озодликнинг, мустақилликнинг қадрига етади.

Юртимиз тарихида ҳам ўсиш, юксалиш ва таназзул замонлари бўлган. Истиқлолга эришганимиздан кейинги йилларда Ўзбекистон асрларга татигулик ривожланиш, ўсиш, тараққиёт йўлини босиб ўтди, десак муболаға эмас. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кишини лол қолдирадиган ўзгаришлар юз бермоқда. Қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Фуқароларнинг меҳнатга муносабати, фикри, тафаккури ўзгарди. Улар энди ўз тақдирларида Ватан тақдирини кўришмоқда.

Халқимизда қайси юртнинг раҳбари одил, зиёлиси зукко, деҳқони тадбиркор бўлса, унинг келажаги порлоқ бўлади, деган нақл бор. Ҳар қандай тузум тараққиётини, ҳар қандай миллий равнақ заминини иқтисодиётсиз тасаввур этиб бўлмайди. Иқтисодиёти бақувват давлатнинг қўли узун, тили бурро, сўзи қиличдек кескир бўлади.

Оққан дарё оқаверади. Босқинчилик ва бузғунчилик юришлари билан эмас, қурган муҳташам бинолари билан, фозилу олимлар, донишу комиллар етиштириб берган миллат сифатида ўзбек халқи оламни яна аждодларидан мерос зукко қобилияти, меҳнати, қилган улкан ишлари билан ҳайратга солади. Ана шу тантиликка асло кўз тегмасин! Байрам байрамларни чорлаб, эл ичра оралаб юрган шод-хуррамлик барқарор бўлсин!

Йўлинг ойдин бўлсин, катта карвоним!

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

"Навоий-Учқудуқ-Мискин-Султон Увайстоғ-Нукус" йўналишидаги темир йўл ҳамда Амударё узра поезд ва автомобиллар қатнайдиган улкан кўприкнинг бунёд этилиши Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун улкан қулайлик яратибгина қолмай, йўловчи ва юк ташиш муддати ва харажатини ҳам кескин қисқартирди. Йўлларимиз кундан-кунга равонлашиб, янада чирой очиб бормоқда. Бу йўллар не-не элларга, дилларга туташ, бу истиқлол йўллари бизнинг мурод ва мақсадларимизга туташ истиқбол йўлларидир. Фақат мустақиллик туфайлигина бугун бундай улуғвор ишларни амалга ошира олганимиздан ҳеч ким кўз юма олмайди.

Президентимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати туфайли юртимизда автомобилсозлик саноати йўлга қўйилди. Бундан 16 йил олдин, яъни 1996 йилнинг 19 июлида "Uz Daewo Auto" заводи (ҳозирги "GM-Uzbekistan") «Nexia», «Damas» ва «Tiko» автомобилларини ишлаб чиқаришни бошлади. Корхона фаолиятининг биринчи йилидаёқ 25,3 мингта енгил машина ишлаб чиқарилди. Кейинги йили ушбу рақам 64,3 мингтага етди. 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича эса завод автомобиллар ишлаб чиқаришни 2,4 фоизга оширди.

2008 йили ўзбек автосаноати ҳаётида муҳим воқеа юз берди. Шу йилнинг 21 февралида Асака автомобиль заводи базасида янги қўшма корхона — "GM-Uzbekistan"га асос солинди.

"Ўзавтосаноат" АК ва "General Motors" корпорацияси (АҚШ) янги корхонанинг муассисларига айланди. Энди заводда Chevrolet маркасидаги моделлар — «Epika» седани ва «Captiva» жипи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2010 йилнинг августида "GM-Uzbekistan" корхонасида «Chevrolet «Spark» модели ўзлаштирилди. 2012 йил февралида эса қўшма корхона Molibu автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Тез орада корхона «Cobalt» моделидаги автомобил ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни режалаштирмоқда. Ҳа, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар бугунги кунда нафақат Ўзбекистон кўчалари, балки ўнлаб хорижий мамлакатлар кўчаларини ҳам безаб юрибди.

Яқинда Самарқандда "JV MAN Auto Uzbekistan" қўшма корхонасининг "MAN" катта юк автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарадиган заводнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. У бир йилда беш мингта юк машинаси ишлаб чиқариш қувватига эга. Демак, биз бундан кейин оғир юк машиналарини ҳам чет эллардан валюта эвазига сотиб олмаймиз.

Ёшлар Ўзбекистоннинг эртанги умиди, унинг келажагидир. Юртбошимиз келажаги ҳақида ғамхўрлик қиладиган халқ ўз мақсадларига, албатта, эришади, дейди. Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган салмоқли ишлар, хусусан, минглаб мактаб, лицей ва коллежлар қурилгани, реконструкция ва таъмирдан чиқарилгани, замонавий ўқув воситалари ва жиҳозлари билан таъминлангани, болалар спорти мажмуа ва иншоотлари барпо этилгани ана шу фикрнинг тасдиғидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига 21 йил тўлди. Бир қарашда ҳали орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқдай. Куни кеча эмасмиди Юртбошимиз Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилгани, истиқлолга эришиб бағримизга ҳурлик шамоли текқани, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олганимизу ўзимизга мос миллий тараққиёт йўлини танлаганимиз? Тинчлик-тотувликни, бағрикенглик ва маънавий етукликни мақсад қилиб олганимиз, "Шу азиз Ватан — барчамизники!" деган буюк шиорни ўртага ташлаганимиз?!

Истиқлол солномасига назар ташлаган киши мустақиллик йилларида мамлакатимизда янги-янги анъана ва қадриятлар, янги ижтимоий муносабатлар, янгича дунёқараш ва фикрлаш, шу билан бирга, мамлакат, миллат тақдири учун масъуллик ва бундан фахр-ифтихор туйиш ҳисси пайдо бўлганига гувоҳ бўлади. Мана шунинг ўзи энг катта ютуғимиз, истиқлол иморатининг мустаҳкам пойдевори, келажак сари йўғрилган нигоҳи эмасми?! Ҳаётимизда, кундалик турмушимизда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаолликнинг янги қирралари юзага келгани-чи?

Истиқлол, энг аввало, ҳуқуқ бўлиб, онгу шууримизга сингди. Бунинг натижасини бугун одамларнинг дунёқараши, фикри ва турмуш тарзида кўриш мумкин. Бугун ҳар бир кишида ҳаракат, интилиш, изланиш, яратиш иштиёқи бор, буюк келажакка ишонч бор. Истиқлол йилларида юртимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғига борманг, уларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, янада чирой очаётгани кўзга ташланади. Ваҳоланки, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида нафақат ўзгалар, балки ўзимизникилар орасида ҳам Ўзбекистоннинг келажагига шубҳа билан қарайдиганлар бор эди. Жумладан, энди Россиядан қурилиш материаллари келмайди. Оқибатда бутун республикада қурилиш тўхтаб қолади, деган гапларни кўп эшитганмиз. Бироқ бу борадаги саъй-ҳаракатлар ва бугунги эришилган натижалар эса ҳаммага маълум. Қисқа вақт ичида қурилиш индустриясини яратиб, уни тез суръатлар билан юксалтира олдик.

Бугун дунё минбарларида мустақил Ватанимизнинг номи ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинаётгани, мамлакатимизга ер юзининг турли минтақаларидан Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш учун келишаётгани — миллий истиқлол йўлининг тўғрилигидан далолат.

Мустақиллик, Озодлик, Ҳуррият. Бу муқаддас каломлар дунёдаги барча халқлар тилидаги энг тотли, энг улуғ, энг азиз, энг ардоқли ва ҳузурбахш сўзлардир. Чунки ҳар қандай халқ учун қарамликда яшаш қанчалик катта фожиа, бахтсизлик бўлса, ўз юртига ўзи эгалик қилиб, озод ва эркин яшаш шу қадар буюк бахт, олий саодатдир.

Бироқ мустақилликка эришиш ва уни сақлаб қолиш осонликча кўлга киритиладиган ғалаба эмас. Тарихда озодликка чиққан, аммо уни асраб қололмаган халқлар кўп бўлган. Озодлик, ҳурликни асраб қолиш учун бутун халқнинг, миллатнинг иродаси, матонати, орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида ягдил ва ҳамжиҳатлиги, қийинчиликларга бардоши, ички ва ташқи хуружларга зарба бера олиш қобилияти керак бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати боис биз шу фазилатларни намоён этиб, қисқа вақт ичида асрларга татигулик ютуқларни қўлга киритдик. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга, халқимизнинг тинчлиги ва осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ҳамда ғаразли уринишларнинг олдини олишга қодир бўлган ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга миллий армиямиз шакллантирилди. Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди, улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Натижада мамлакатимиз сарҳадларини ёт кучлар хуружидан ҳимоялашга қодир миллий армия таркиб топди.

Ватан остонадан бошланади, дейишади. Кутлуғ остонанинг қадрига етган кишининггина қалбида Ватан деб аталмиш беқиёс уммон яшайди. Ватанини севувчи, уни қутлуғ остона, саждагоҳ каби муқаддас деб билгувчи инсон ўзининг меҳр-муҳаббатини ошкор этиб шиорлар кўтармайди, бақириб-чақирмайди. Балки Ватанни дили тубидаги ардоқли маҳзанга жойлаштиради. Чунки Ватан тупроғи, унинг ҳар қарич ери кўзга тўтиё. Ватан қадрини юртдан йироқларда яшаб, мусофирлик жафосини тортганлар янада теранроқ англайдилар. Бу фикрни ўзга юртда шоҳ бўлса-да, ўз киндик қони томган маконга бир умр талпиниб яшаган Бобур ва Фурқат каби шоир боболаримизнинг қисмати, бу ҳақда ёзган ёниқ шеърлари ҳам тасдиқлайди.

Макон туйғуси, ҳатто жониворларга ҳам бегона эмас. Сўз мулкининг султони, буюк бобокалонимиз Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари ҳам буни бир шеърида бениҳоя таъсирчан ифодалаганлар:

Не наво соз айлагай,
булбул гулистондин жудо.

Шундай экан, яралмишларнинг энг афзали бўлмиш инсон ўз Ватанини севмаслиги, уни эъзозламаслиги мумкин эмас. Миллати, тили, динидан қатъи назар ўзини шу азиз Ватаннинг фарзандиман деб билган ҳар бир юртдошимиз қалбида ўзининг озод ва обод диёри билан фахрланиш туйғусини юксалтиради. Бу туйғу истиқлол айёми арафасида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда, шукуҳли байрам шодиёналарида янада ёрқин тарзда намоён бўлади.

Эзгу ният билан олис манзилларни кўзлаб йўлга чиққан катта карвон тоғу дарёлар, уммонлар ошиб, мудом янги довонлардан ўтиб боради. Таъбир жоиз бўлса, бир асрдан кўпроқ давом этган истибдод кишанларини елкасидан улоқтириб, ўз ҳурриятининг нурли йўлларига чиқиб олган мамлакатни ҳам ана шундай катта карвонга менгзаш мумкин.

Ҳа, катта карвоннинг йўли ҳамиша ҳам осон кечмайди. Йўлдаги қанчадан-қанча қийинчиликларни енгиб, синовларга дош бериб, осмон билан бўйлашган чўққиларни забт этиб, улар олдидан ўз салобатига мос вазминлик билан ўтишга тўғри келади. Улуғ истиқлолга, унинг шонли йўлларига чиқиб олган халқимиз янгиланиш ва юксалишлар йўлидаги янгидан-янги манзилларни кўзламоқда. Истиқлол карвони ўз йўлида собитқадамлик билан давом этаётгани, янги нурли манзиллар сари интилаётгани эса бизнинг бахтимиздир. Йўлинг ойдин бўлсин, катта карвоним!



Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Ниқиқ»

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни



Истиқлол шарофати билан юртимизда 2001 йилдан буён "31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни" сифатида нишонлаб келинади. Энг азиз, энг улуғ байрам арафасида давлат ва ҳукумат раҳбарлари, меҳнат жамоаларининг вакиллари, турли ёшлаги юртдошларимиз қатағон қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтириш учун пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасига қадам ранжида қиладилар.

Аждодлар хотирасига эҳтиром

Бахтиёр НАЗАРОВ,
«Ниқиқ»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармони халқимиз дилида эзгу истакларнинг амалдаги ифодаси бўлди. Мазкур фармонга мувофиқ, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизнинг Юнусобод мавзесидаги Бўзсув соҳилида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди. Шунингдек, ушбу ёдгорлик мажмуи таркибида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи барпо этилди. Замонавий жиҳоз-ускуналар билан безатилган музейга қўйилган ранг-баранг экспозициялар, ноёб архив ҳужжатлари, фотосуратлар халқимизнинг буюк жасоратидан, енгилмас иродасидан ҳикоя қилади.

Мустақилликка эришганимиздан кейин тарихий адолатни юзага чиқариш борасида олиб борилган улкан ишларнинг самараси ўлароқ, нафақат давлат ва жамоат арбоблари, таниқли фан, маданият ва маориф намоёндалари, балки мустақилликни орзу қилган оддий одамлар ҳам қатағон қурбонига айланганини исботловчи тарихий ҳужжатлар ҳам топилди. Фожианинг кўламини тасаввур қилиш учун 1937-1953 йилларда Ўзбекистоннинг ўзида қарийб 100 минг киши қатағон қилингани, шундан 13 минг нафари отиб ташланганини эслашнинг ўзи кифоя. Халқимиз мустабид тузум даврида бошидан кечирган бундай қатағон фожиаларини асло унутмайди. Айниқса, Сталин замонидаги зулм ва тажовузлар тарихимизда қонли из қолдирди. 30-йиллардаги "босмачилик ҳаракати", "қулоқлаштириш", "коллективлаштириш" шиорлари остида олиб борилган қатағон кампаниясидан жабру жафо чекмаган хонадон қолмаган эди. Кейинчалик, 80-йилларда собиқ шўро салтанатининг Ўзбекистонда "пахта иши" номи билан юритган машъум қатағон сиёсати ҳам қанчадан-қанча бегуноҳ юртдошларимизни ўз домига тортди. Мустақиллигимиз токи омон экан, энди у машъум кунлар ҳеч қачон орттга қайтмайди.

"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган ана шундай минг-минглаб ватандошларимиз хотирасига ўрнатилган буюк эҳтиром рамзидир.





«Қонуннинг устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий принципидир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс ва ҳеч бир киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир».

Ислом КАРИМОВ

Мустақиллик – бу ҳуқуқ дегани

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Юқорида қайд этилганлардан кўринадики, шаҳар прокуратураси органларига келиб тушган мурожаатлар ва қабул қилинган фуқаролар сони сўнгги йилларда ва 2012 йилнинг ўтган 7 ойида кўпайган бўлиб, бу ҳолатлар шаҳар прокуратураси органлари томонидан ҳуқуқ тарғиботи жараёнига жиддий эътибор қаратилганлиги натижасида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва билими ошиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши тушуниб бораётганликларидан ҳамда шаҳар прокуратураси органларига ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ишончи ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Кучли ижтимоий ҳимоя тараққиётимизнинг бош тамойилларидан биридир. Бу масалада прокуратура органлари зиммасига катта масъулият юкланган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида нафақа, пенсия тўловларининг ўз вақтида тўланиши, бюджет маблағларининг мақсадли ва тўғри сарфланиши, таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, тўлов интизоми ва шунга ўхшаш бошқа масалаларга оид қонунлар ижросининг таъминланиши алоҳида назоратга олинган. Бу борадаги текширишлар қонун талабларига ва белгилаб қўйилган тартиб ва қоидаларга қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилиб келинди ҳамда аниқланган қонунбузилишлари ва ҳуқуқбузарликлар юзасидан қонунларда белгиланган тартибда прокурор назорати ҳужжатлари изчиллик билан қўлланиб, минглаб фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди ҳамда давлат манфаатлари ҳимоя қилинди.

Хусусан, 2012 йилнинг ўтган 7 ойида шаҳар прокуратураси органларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган назорат текширишлари натижалари бўйича 5352 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, судларга жами 1 млрд. 109 млн. 085 минг сўмлик 1151 та даъво аризалари киритилди. Фақатгина 2012 йилнинг ўтган 7 ойида 898 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Пойтахтимиздаги ҳар бир оиланинг, ҳар бир кишининг эмин-эркин ва хавотирсиз яшаши, бир маромда ўзларининг кундалик ишлари билан шуғулланишлари ҳамда уларнинг Конституция ва қонунларимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун шаҳарда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланиши ўта муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги "Жиноятчиликка қарши курашда профилактика ролини кучайтириш тўғрисида"ги Қарорида мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашда, энг аввало, унинг олдини олиш асосий вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланган ҳолда бу йўналишда амалга ошириладиган ишларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда профилактика хизматининг асосий вазифалари белгиланган.

Шу муносабат билан шаҳар прокуратураси органлари томонидан шаҳар ва туманлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, маҳаллий ҳокимият органлари ва мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жамоатчилик фаол жалб қилинган ҳолда пойтахтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш аҳволи таҳлилидан келиб чиқилган ҳолда кенг кўламли тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилиб келинмоқда. Масалан, шаҳардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва маҳаллий ҳокимият органлари, мутасадди идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтган даврлардаги аҳвол ва уларнинг таҳлили натижалари эътиборга олинган ҳолда 2009-2012 йиллар учун пойтахтда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш юзасидан Дастур ишлаб чиқилиб, унинг ижросини ўз вақтида, сифатли ва самарали таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди ва ҳозирда ҳам унинг ижроси доимий назорат қилинмоқда.

Мазкур Дастурда шаҳарда жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширишда жамоат ташкилотлари, маҳалла институтларининг тутган ўрнига алоҳида аҳамият берилган. Дарҳақиқат, жиноятчиликнинг олдини олишда маҳалла-кўй, жамоатчиликнинг ўрни жуда катта эканлиги барчага яхши маълум. Шу сабабли Дастур асосида пойтахтдаги ҳар бир маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари, ички ишлар органлари таянч пунктларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилганлиги бу борада ижобий натижалар омили бўлмоқда.

Дастурнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, шаҳар ва туман прокурорларига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда амалга оширилган ишларнинг натижаларини таҳлил қилиб, унда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш масъулияти юкланган.

Маълумки, жиноятчиликнинг олдини олишда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, уларда қонунларни яхши билиш, ҳурмат қилиш ва унга итоат этиш кўникмасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли шаҳар прокуратураси томонидан аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини мунтазам, сифатли ва самарали ўтказилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, шаҳар прокуратураси органлари томонидан яшаш жойларида ўтказилган бундай тадбирлар 2011 йилда 3522 тани ва 2012 йилнинг ўтган 7 ойида 2523 тани ташкил этди. Айниқса, таълим муассасалари, корхона-ташкилотларда ўтказилиб келинаётган йигилишларда диний-экстремистик оқим ва ташкилотлар, уларнинг ғоялари, ғаразли мақсадлари, фуқароларни алдов ва чалғитиш йўли билан ўз таъсирлари остига тортиш усуллари ҳақида тушунчалар берилмоқда.

Қайд этиш жоизки, олиб борилаётган профилактик чора-тадбирлар натижасида шаҳарда умумий жиноятчилик 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 1,6 фоизга, 2012 йилнинг ўтган 7 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 фоизга, шу жумладан, оғир ва ўта оғир жиноятлар 0,6 фоизга, талончилик 11,6 фоизга, босқинчилик 0,9 фоизга камайишига эришилди. Шунингдек, 2012 йилнинг ўтган 7 ойида 2011 йилнинг шу даврига нисбатан вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 1 фоизга камайди.

Маълумки, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда муқаддам судланган шахслар томонидан такроран жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик ҳам алоҳида ўрин тутади. Сабаби, уларнинг айримлари ҳаётда ўз ўрнини топиб кетолмаган ва қайта жиноят содир этишга мойил бўладилар. Шаҳар прокуратураси ва ички ишлар органлари томонидан муқаддам судланган шахсларнинг, шунингдек, мамлакатимизда инсонпарварлик тамойили ва адолат нуқтаи назаридан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги актларга асосан жазо ўташ жойларидан озод қилиниб, қайтиб келган шахсларни ҳисобга олиш, айрим тоифадагиларининг устидан маъмурий назорат ўрнатиб, улар билан мунтазам равишда профилактик тадбирларнинг ўтказиб борилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, тегишли мутасадди идоралар билан ҳамкорликда уларнинг йўқолган ҳужжатлари тикланиши, ишга жойлаштирилиши ҳамда қонунда кўзда тутилган ҳолларда ижтимоий ва моддий ёрдамлар кўрсатилиши, хуллас, ижтимоий ҳаётга тезда кўникиб кетишлари таъминланиб келинмоқда.

Маълумки, жазо муқаррарлигини таъминлаш жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишнинг муҳим омилидир. Шу боис содир этилган ҳар бир жиноятни тўла фош этиш шаҳар прокуратураси ва ички ишлар органларининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Шу сабабли шаҳар бўйича содир этилган жиноятларнинг фош этилиш кўрсткичи йилдан-йилга яхшиланаяпти.

Мустақиллик йилларида мамлакат пойтахтида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда амалга оширилган жуда катта ишлар натижасида шаҳар халқининг фаровонлиги муттасил равишда ортиб бораяпти. Зотан, юртимизда қўлга киритилаётган иқтисодий муваффақиятлар энг олий қадрият сифатида эъзозланаётган инсон учун, унинг манфаатлари учун хизмат қилмоқда.

Буни биз айрим соҳаларда эришилган натижалар миссолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, 1991 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9609,2 миллион сўмдан, шундан истеъмол моллари 5764,4 миллион сўмдан иборат бўлган бўлса, 2012 йилнинг ўтган 7 ойи якунига келиб 6015,1 миллиард сўмликни, шундан истеъмол моллари 2343,5 миллиард сўмликни ташкил этган. 1991 йилда аҳолига 0,9 миллион сўм пуллик хизматлар кўрсатилган бўлиб, кейинги йиллар давомида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари сони кескин кўпайгани ҳолда хизмат кўрсатиш соҳаларининг тез суръатлар билан ривожланиши иқтисодий ўсишнинг зарур омили бўлиб, хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши кескин ошишига олиб келди ва 2012 йилнинг ўтган 6 ойида бу кўрсаткич 60,5 фоизга тенг бўлгани ҳолда 4346,6 миллиард сўмликни ташкил этган. Шаҳарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт қилиниши 1991 йилда 1875,5 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, 2012 йилнинг ўтган 7 ойининг ўзида бу кўрсаткич 7844,4 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган. Шунингдек, агар 2000 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши ўртача 5,2 фоизни ташкил этиб, 398 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилнинг 7 ойида бу кўрсаткич 11,9 фоизга етказилиб, 7181,3 миллиард сўмдан иборат бўлган.


Пойтахтнинг қиёфаси кундан-кунга гўзаллашиб боришида уни реконструкция қилиш жараёнида атроф-муҳитга зарар етказувчи корхоналарнинг шаҳар ташқарисига кўчирилиши, истироҳат боғлари, асосий бозорлар янгидан қурилиши ҳам муҳим рол ўйнади. Бизнес-марказларнинг улуғвор бинолари, замонавий меҳмонхоналар меъморчилик санъатининг янги ютуқларидан фойдаланиб қурилди, музейлар, замонавий спорт мажмуалари, маданият саройлари, маҳоватли кўприклар ва йўллар, икки қаватли эстакадалар, қулай ўтиш жойлари бунёд этилди. Аҳоли ихтиёридаги жами спорт иншоотлари сони 1138 тани ташкил этди. Буларнинг барчаси пойтахт халқининг фаровон ва осуда ҳаёт кечириши, эмин-эркин ишлаши ва ижод қилиши, ҳордиқ чиқаришлари ҳамда ўзлари севган машғулотлар ва спорт турлари билан шуғулланишлари учун хизмат қилмоқда.

Мустақилликнинг ўтган 21 йили давомида пойтахтда кенг миқёсдаги ишларнинг амалга оширилишида шаҳар прокуратураси органларида хизмат қилган ҳар бир ходимнинг ўзига яраша ҳиссаси бор. Қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда кўрсатган алоҳида хизматлари учун 15 нафар ходимимиз давлат мукофотларига сазовор бўлишган. Шунингдек, кўплаб ходимлар Бош прокурор ва шаҳар прокурорининг буйруқлари билан тақдирланган. Ҳозирда сафимизда 1 нафар фан доктори ва 2 нафар фан номзоди илмий даражасига эга бўлган олимлар хизмат қилмоқда.



Мирзоҳид ОБИДОВ,
Тошкент шаҳар прокурори

Олий мақсадлар сари



Равшан ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг туб мақсади халқимиз фаровонлигини ошириш ва турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг ижтимоий ҳимояси, аҳолининг соғлиғи, бандлиги ва меҳнат ҳуқуқлари амалдаги қонунлар билан тўлиқ кафолатланган бўлиб, мазкур қонунларнинг бажарилиши прокуратура органларининг доимий назоратида турибди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 510 мингтага яқин корхона фаолият кўрсатаётганлиги диққатга сазовор, албатта. Бироқ, баъзи корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган фуқароларнинг иш ҳақлари ўз вақтида ва тўлиқ тўланмай келинаётганлиги сабаблари ўрганилганида муаммоли корхоналарнинг ҳисоб рақамларида пул маблағларининг етарли эмаслиги, улар томонидан дебитор қарздорликлар ўз вақтида ундирилмаётганлиги аён бўлди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан корхона ишчиларининг манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича судларга киритилган аризалар бўйича уларга 608 млн. сўмлик иш ҳақлари ундириб берилишига эришилди. Қонунни бузган мансабдор шахсларнинг 60 нафари маъмурий, 4 нафари эса жиноий жавобгарликка тортилди.

Маълумотларга кўра, шаҳримиз бўйича ҳозирда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони жами 298 минг нафардан зиёд шахсни ташкил этмоқда. Уларнинг 275 минг нафари эса пенсионерлардир. Шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида пенсия ва нафақалар учун жами 769,7 млрд. сўм пул маблағлари сарфланган. Кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун, шунингдек, икки ёшгача болаларни парваришлаш учун бюджет маблағлари ҳисобидан жами 14 млрд. сўмдан ортиқ маблағнинг нафақаларга йўналтирилганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Албатта, булар ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишларнинг бир кўлами, холос. Прокуратура органлари томонидан назорат олиб бориш чоғида асосий эътибор пенсия ва нафақаларнинг тўғри тайинланиши, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, бюджет маблағларининг эса мақсадли сарфланишига қаратиб келинмоқда.

Афсуски, давлатимизнинг муҳим ижтимоий сиёсатига зид равишда иш тутаётган, ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилаётган шахслар ҳам учраб турибди. Масалан, Сергели туманида жойлашган "Ҳабибий" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли орқали жами 2,8 млн. сўмлик, Чилонзор туманида жойлашган "3-катта Чилонзор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси 6,3 млн. сўмлик ҳамда бошқа шахслар нафақа ва моддий ёрдам пулларини ўзлаштирганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни ижроси устидан назорат олиб бориш ҳамма вақт ҳам прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган. Зеро, аҳолининг бандлиги масаласи нафақат ижтимоий соҳанинг муҳим вазифаси, балки жамиятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва криминоген вазиятни барқарорлаштиришга бевосита таъсир ўтказувчи омил ҳисобланади. Шу боис ишсиз фуқароларни аниқлаш ва уларнинг ишга жойлашишига кўмак бериш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва тегишли идораларнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Тошкент шаҳрида 2012 йилда янги иш жойларини яратиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш дастури тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ жорий йилда барча соҳалар бўйича жами 80 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Бугунги кунга келиб, корхона ва ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган янги иш ўринлари салмоғи 50 мингтага етгани муайян натижалардан биридир. Улар қаторидан уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш каби йўналишлардан ташқари, ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш сингари долзарб иқтисодий вазифалар ҳам ўрин олган.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, Тошкент шаҳри бўйича бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига жами 21 минг нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар мурожаат қилган бўлиб, шундан 18 минг нафари ишга жойлаштирилган, қолганлари касбга қайта тайёрланган ва малакаси оширилган ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган. Демак, иш сўраб мурожаат этган фуқароларнинг биронтаси ҳам эътибордан четда қолмаган.

Фуқароларнинг бандлигини таъминлашда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу йилнинг ўзида Тошкент шаҳри бўйича 72 та меҳнат ярмаркаси ўтказилган бўлиб, улар томонидан жами 23 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари тақдим этилган. Меҳнат ярмаркаларида 46 минг нафар фуқаро иштирок этиб, уларнинг 2,5 минг нафарга яқини йўлланмалар бўйича ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, вақтинчалик бир марталик ишларни ташкил этиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида турли вилоятлардан келган 300 минг нафарга яқин фуқароларга тегишли гувоҳномалар расмийлаштирилиб, уларнинг меҳнат фаолиятлари учун шарт-шароитлар яратиб берилди.

Олий ўқув муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу йилнинг ўзида шаҳримиздаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни тамомлаган жами 39 минг нафар ўсмирнинг бандлигини таъминлаш бўйича тузилган шартномаларга кўра уларнинг 96 фоизга яқини ишга жойлаштирилди. Бироқ бу соҳада ҳам айрим шахсларнинг кўзбўямачиликка йўл қўйиб келаётганликлари прокурор назоратидан четда қолмаган. Масалан, Бектемир тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мансабдор шахслари уларга иш сўраб мурожаат қилмаган фуқаролар номидан сохта варақалар тузишиб, кўрсаткичларини яхшилашга уринганликлари ҳолати бўйича ҳозирда ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари имкониятларидан кенг фойдаланилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Барча маҳаллаларда банд бўлмаган аҳоли кўлами қайтадан хатловдан ўтказилиши натижасида 10 минг нафардан зиёд шахслар тадбиркорлик соҳасига жалб қилиниб, уларнинг меҳнат қилишлари учун янги имкониятлар очилди.

Баркамол авлод орзусида

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда келажагимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ҳам мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга ошириб келинаяпти.

Ҳаётбек АНОРТОЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси ва улар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олди олинишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2011 йил 14 июндаги "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратини янада кучайтириш тўғрисида"ги 92-сонли буйруғи талабларидан келиб чиққан ҳолда муайян ишлар амалга оширилди.

Маълумотларга кўра, айни пайтда Тошкент шаҳри аҳолисининг 31 фоизи ёки 714 минг нафари вояга етмаганларга тўғри келади. Уларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун қулай шарт-шароит яратиш энг муҳим, бугунги кунимизнинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ҳар қандай давлат, жамият ва миллатнинг суянчи ва таянчи ёш авлоддир. Юртнинг камоли, элнинг бахти фарзандларимизнинг маънавий ва жисмоний баркамоллиги, уларнинг ақлу заковати, билими, малакаси, мақсад ва интилишларига боғлиқ. Шу боис ўз келажагини, эртанги кунини ўйлайдиган давлат, жамият, халқ ёш авлодни соғлом ва баркамол, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялашни ўзининг асосий вазифаси, деб билади.

Шу маънода, Тошкент шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси мутасадди идоралар билан ҳамкорликда пойтахт маҳаллаларида истиқомат қилаётган вояга етмаган ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини кундалик турмуш тарзига сингдириш, жисмонан баркамол ва соғлом бўлишига, чиниқишига ёрдам бериш, улар орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хусусан, ёзги таътил даврида бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Пойтахт маҳаллаларидаги бўш ер майдонларини тартибга келтириш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси томонидан 103 та кичик спорт майдончалари қурилиб, ишга туширилди. Жорий йилнинг охирига қадар яна 73 та сунъий қопламали футбол, 6 та баскетбол ва 6 та теннис майдончалари фойдаланишга топширилади. Бугунги кунда пойтахт маҳаллаларида ташкил этилган спорт майдончаларида 12609 нафар болалар ёзги таътил даврида бўш вақтларини мазмунли ўтказдилар.



Жисмоний ва маънавий етуклик инсонни чин маънодаги комиллик сари етаклайди. Шу боис, бугунги кунда барпо этилган спорт майдончаларида мусобақалари ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этилмаган ўқувчилар учун "Ёз-2012" спорт мусобақалари ўтказиш Дастури ишлаб чиқилиб, спортнинг баскетбол, футбол, қўл тўпи, волейбол, қувноқ стартлар, қураш, енгил атлетика, каратэ, стол тенниси, шахмат, шашка, сузиш, бокс, бадминтон каби турлари бўйича 3 босқичли мусобақалар ташкил этиб келинмоқда. Ўтаётган ёз мавсумида биргина маҳаллалар қошида ташкил этилган спорт майдончаларида 100 дан ортиқ спорт тадбирлари ташкил этилиб, унда 10.500 нафардан ортиқ вояга етмаганларнинг иштироки таъминланди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар Шахмат федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда 2012 йил "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" шиори остида спорт мусобақаларининг шахмат тури бўйича оилавий жамоалар ўртасида спорт мусобақаси ўтказилди. Мусобақанинг маҳаллараро босқичида 250 дан ортиқ маҳаллалардан жамоалар иштирок этдилар.

Анъанавий "Футболимиз келажаги" республика кубогининг Тошкент шаҳар босқичи Олмазор туманида жойлашган "Истиқлол" футбол ўйингоҳида 16-20 июнь кунлари ўтказилди. 11-12 ёшлилар ўртасида ўтказилган мусобақаларда 1-ўринни Сергели тумани "Хонобод" маҳалласи, 2-ўринни Учтепа тумани "Бешқайрағоч" маҳалласи, 3-ўринни Чилонзор тумани "Чичик Хирмонтепа" маҳалласи футбол жамоалари эгаллашди.

13-14 ёшлилар ўртасида 1-ўринни Шайхонтоҳур тумани "Янги Белтепа" маҳалласи, 2-ўринни Учтепа тумани "Бешқайрағоч" маҳалласи,3-ўринни Яккасарой тумани "Қушбеги" маҳалла жамоалари эгалланган бўлсалар, 15-16 ёшлилар ўртасида 1-ўринни Учтепа тумани "Ҳожиобод" маҳалласи, 2-ўринни Яккасарой тумани "Бошлиқ" маҳалласи, 3-ўринни Сергели тумани "Хонобод" маҳалла футбол жамоалари кўлга киритишди. Мусобақа ғолиблари диплом ва ҳомийлар совғалари билан тақдирландилар.

Шу каби тадбирлардан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Маҳалламиз паҳлавонлари" республика кубоги мусобақаларининг маҳаллараро ҳамда туман босқичлари жорий йилнинг 25 июль кунига қадар ўтказилди. Унда Тошкент шаҳридаги 476 та фуқаролар йиғинларидан 343 таси иштирок этиб, 1571 нафар ўғил ва қизлар жалб этилди. Мусобақанинг туман босқичида ғолиб деб топилган иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланиб, шаҳар босқичига йўлланма олишди. Мусобақанинг Тошкент шаҳар босқичи жорий йилнинг 18 август куни Соғбон кураш саройида ўтказилиб, 13-14 ёшли ўғил болалар ўртасида 50-55 кг вазнларда, қиз болалар ўртасида 44-48 кг вазн тоифалари бўйича мусобақа ғолиблари аниқланди. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Мавсумга шай

У.ҚОСИМОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 августдаги "2012 йилда ғўзани дефолиация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижроси юзасидан назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Жумладан, вилоят прокуратураси ва СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг вилоят бошқармаси масъул ходимлари туманларга бириктирилиб, ишчи гуруҳлари тузилди. Ушбу гуруҳлар таркибига вилоят "Сифат" маркази, стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, "Қишлоқхўжаликкимё" ҳамда "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик жамияти тузилмалари мутахассислари киритилди. Шунингдек, қарор ижроси юзасидан туман прокурорлари, Департаментнинг туман бўлимлари бошлиқлари ва суриштирувчилари раҳбарлигида жойларда ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, аъзолар ўртасида хизмат вазифалари тақсимланди ва амалга оширилиши лозим бўлган назорат тадбирлари белгилаб олинди.

Вилоятда 2012 йил ҳосили учун 119,6 минг гектар майдонга пахта экилган бўлиб, шундан 2975 та фермер хўжаликларининг 104 минг гектар ғўза майдонларида 2012 йилнинг 25 августидан 3 сентябргача дефолиация тадбирларини ўтказиш режалаштирилган. Ушбу фермер хўжаликлари билан "Қишлоқхўжаликкимё" ўртасида шартномалар тўлиқ расмийлаштирилган. Бундан ташқари, жойлардаги мавжуд 64 та ғўза дефолиацияси учун эритма тайёрлаш марказларининг барчаси зарур жиҳозлар билан таъминланиб, мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

Вилоят прокуратураси томонидан қарорда кўрсатилган вазифаларнинг бажарилишига қаратилган ташкилий чора-тадбирлар юзасидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, натижаси бўйича вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Мамараимов, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Б.Шердонов, вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ОАЖ раиси А.Хусанов ва вилоят МТПлар бирлашмаси ОАЖ раиси О.Толлиев, Термиз ва Денов нефт базаси унитар корхонаси раҳбарлари А.Боқиев ва Б.Янгибоев ҳамда 12 та туман ҳокимларига қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирув эълон қилинди.

Шунингдек, туман прокурорлари томонидан туман ҳокимининг қарорига асосан дефолиация учун масъул қилиб белгиланган гуруҳ аъзолари, дефолиант эритмаси тайёрлаш ва дефолиация қилинган майдонга сертификат берадиган вакиллар ва бошқа ушбу тадбирга масъул мутасаддилар қарорда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган тақдирда жавобгарликка тортилиши ҳақида расман огоҳлантирилдилар.

Қонунга хилоф равишда алкоголли маҳсулотларни муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имконият яратувчи криминоген омилларни бартараф этиш бу турдаги қонунбузилиш ҳолатларини камайтиришнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Барҳам берилмоқда

Жаҳонгир ИГАМОВ,
СВОЖЖДЛҚҚ Департаменти бош суриштирувчиси

Алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларни белгиловчи омиллар орасида уларнинг ўзаро боғланган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий ва ахлоқий омилларини ажратиш лозим бўлади.

Айни ҳолда, бу нарса турли даражадаги бюджетларни тўлдиришнинг асосий манбаларидан бири саналган алкоголли маҳсулотларнинг айланишидан олинадиган даромаднинг каттагина қисми йўқолишига сабаб бўлмоқда.

Сир эмаски, қалбаки ароқ маҳсулотларидан олинадиган капиталнинг айланиш суръати наркобизнесдан анча юқоридир. Бунга эса бир қанча омиллар — ички ликбозлик ва алкоголизмнинг ўсиши, ишлаб чиқариш ва транспортда ташиш босқичларида харажатнинг озлиги имкон яратади.

Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва муомалага киритишнинг кескин пасайиши билан боғлиқ вазиятнинг салбий оқибатлари ҳам маълум. Яъни бундай вазият қўлбола маҳсулотлар муомаласи авж олишига имкон яратади. Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва унинг нархларини сезиларли даражада пасайтириш зарурлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам диққатга сазовор бўлсада, аммо ички ликбозликнинг кўпайишига олиб келишини ҳам унутмаслик лозим.

Албатта, алкоголли маҳсулотларнинг ноқонуний савдоси, айниқса, яширин ишлаб чиқаришнинг хомашё манбаларини фош этиш бўйича СВОЖЖДЛҚҚ Департаменти ходимлари муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шунга қарамасдан айрим фуқароларимизнинг ноқонуний даромад олиш мақсадида, яширин равишда қўлбола ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзига касб қилиб олганлари афсусланарлидир. Мисол учун, Департаментнинг Вобкент туман бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Т.Аслонов ҳовлисига яқин бўлган омборхонада қонунга хилоф равишда яширин цех ташкил қилиб, инсон саломатлигига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган этил спиртидан қўлбола ароқ маҳсулотларини тайёрлаган. Ушбу маҳсулотларга қадоқлаш учун компьютер техникаси ёрдамида ёрлиқлар ясаб, муомалага киритмоқчи бўлганлиги аниқланиб, 5850,0 минг сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил тариқасида олиб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, алкоголли маҳсулотни ноқонуний тарзда яширин ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш қонун билан тақиқланади. Бунинг олдини олиш ва ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш билан бир қаторда, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳақида тушунчалар бериш, қонунчиликда тақиқланмаган фаолият билан яширинча шуғулланган бўлса, бунга чек қўйиб, амалий ёрдам кўрсатиш орқали фаолиятига қонуний тус бериш ва янги иш ўринларини яратиш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Қолаверса, алкоголли маҳсулотларни ноқонуний муомалага киритишнинг олдини олишда, шунингдек, аҳоли орасида ичиликбозлик профилактикасига йўналтирилган чора-тадбирларни кенг кўламда олиб бориш учун ижтимоий ташкилотлар ва давлат органлари фаолиятини янада кучайтириш, албатта, фойдадан холи бўлмайди.

Мўмай даромад дардида

Шаҳзод ЗУФАРОВ,
СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Олмазор туман бўлими катта суриштирувчиси

Ҳамма ҳам яхши даромад топиб, фаровон ҳаёт кечиришни истайди. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деган нақлга амал қилганлар бор иқтидори, ақл-идрокини ишга солиб, ҳалол меҳнат билан фаровон ҳаёт қуришга ҳаракат қилади. Меҳнатга тоби йўқлар эса аксинча, бойиб кетишнинг осон ва қисқа йўлларини қидиришга тушишади. Ана шундайлардан бири, жонини ортиқча қойитмай мўмай даромад топишни ният қилган Илҳом Арипов валютафурушликни ўзига касб қилди.

25 ёшни қаршилаган Илҳом, айни меҳнат қилиб, келажаги учун пойдевор яратадиган, бироз муболаға қилиб айтганда, тоғни урса талқон қиладиган чоғида сароб орзуларга алданиб, "қора бозор"да омадини синаб кўришни маъқул кўрди. Наздида бу йўл билан тезда бойитиб кетадигандек туюлиб, бу ишга боши билан шўнғиб кетган йигит вақти келиб қонун ҳимоячиларининг қўлига тушишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

2012 йил 15 март куни ҳам одатдагидай ўз "бизнеси" билан шуғулланиб юрган Илҳомнинг тушликдан кейин телефони жиринглаб, бир нотаниш киши ундан АҚШ долларининг бугунги кундаги баҳосини сўраб қолди. Илҳом ҳар бир АҚШ долларининг баҳоси 2 минг 830 сўмдан бўлаётганини айтган эди, мижоз бирор жойда учрашишни таклиф қилди. Улар ўзаро келишиб, Учтепа туманидаги "Султон ака" чойхонаси ёнида кўришадиган бўлишди. Ҳар икки томон ҳам айтилган вақтда, белгиланган манзилда пайдо бўлишди. Мижоз Илҳомга 11 млн. 320 минг сўмни тутқазди. Валютафуруш йигит пулларни санаб олиб, мижозга 4 минг АҚШ долларини санаб бераётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди.

Худди шунингдек, валютафурушлик билан мўмай даромад орттириш пайида юрган Фарҳод Авезмуратовнинг ҳам ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. У жорий йилнинг 23 май куни Олмазор тумани F.Ғулом кўчасида валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда, яъни 10 минг АҚШ долларини фуқаро З.Ергешовага 29 млн. 200 минг сўмга ўтказмоқчи бўлган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

Ҳар икки валютафурушга жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди томонидан тегишли жазо тайинланди.

Мурожаатлар эътиборда

Андижон вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда Бош прокурорнинг 2004 йил 10 декабрдаги "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги 37-сонли буйруғи талабларидан келиб чиққан ҳолда назорат фаолияти амалга оширилмоқда.

Зафарбек ҒУЛОМЖОНОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Мурожаатлар билан ишлашда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари бузилаётганлиги тўғрисидаги ҳолатларга, прокуратура аралашуви талаб қилинадиган ҳолларда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонуний чоралар кўриш, тадбиркорлар, деҳқон ва фермерларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таҳлил натижаларига кўра, 2012 йилнинг 6 ойи давомида жами 3477 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улардан 1283 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилиб, 374 таси қаноатлантирилган. Мурожаатларнинг 2073 таси ҳал этиш учун бошқа муассасаларга юборилган. 161 таси тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жиноят ишларига қўшилиб, 1279 таси ҳал этиш учун куйи прокуратураларга юборилган.

Бундан ташқари, фуқароларни бевосита меҳнат жамоаларида қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, маҳкама ходимлари ва шаҳар-туман прокурорларининг меҳнат жамоаларида қабул қилиш графиклари ишлаб чиқилган ва унинг ижроси устидан прокуратура раҳбарияти назорати ўрнатилган.

Мазкур қонунчилик ижроси юзасидан 2012 йилнинг ўтган даврида ўтказилган текширишларда айрим масъул мансабдор шахслар томонидан фуқаро ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини асоссиз рад этиш, кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш ҳолатлари аниқланиб, натижаларига кўра прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Жумладан, Қўрғонтепа туман прокуратурасига фуқаро В.Ваҳобова суд ижроси таъминланмаётганлиги, фуқаро А.Ваҳобов томонидан икки нафар фарзандининг таъминоти учун нафақа тўланмаётганлиги муносабати билан мурожаат қилган.

Аниқланишича, фуқаро А.Ваҳобов фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманлараро судининг 2011 йил 7 сентябрдаги ижро варақасига асосан ундирувчи В.Ваҳобовага икки нафар фарзандининг таъминоти учун тўланиши лозим бўлган ҳар ойга 138 минг 852 сўмдан алимент пулларини 2011 йил 1 июнь кунидан 2012 йил 1 февралга қадар тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

А.Ваҳобовнинг фарзандлари моддий таъминоти учун суд томонидан белгиланган алиментларни тўлашдан қасддан бўйин товлашдан иборат ҳаракатлари юзасидан ЖКнинг 122-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, В.Ваҳобованинг аризаси қаноатлантирилди.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркор Б.Икромовнинг банкдан 2 млн. сўм кредит маблағи ажратилишига амалий ёрдам бериш юзасидан мурожаати ўрганилиб, унга кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Пахтаобод тумани Пахтакор ҚФЙ Учкўза қишлоғида яшовчи Б.Азимовнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширишда эса қуйидагилар маълум бўлди. Мурожаатда айтилишича, Ч.Аббосов аризачини 2011 йилда Қозоғистон Республикасига олиб бориб, 3 ой ишлатган. Аммо иш ҳақини бермай, сўраб борганида уриб ҳайдаган. Ариза бўйича туман ички ишлар бўлими ЖҚ ва УЖҚҚБ томонидан текшириш олиб борилган. 2012 йил 22 январь куни Ч.Аббосовнинг ҳаракатида ЖКнинг 135-моддасида кўрсатилган одам савдоси билан шуғулланганлик жинояти аломати йўқ, деб топилиб, жиноят иши қўзғатиш рад этилган ва тўпланган материалларни Ч.Аббосовга МЖтКнинг 41-моддаси билан чора кўриш учун туман судига юбориш ҳақида қарор қабул қилинган.

Туман прокуратураси мазкур материаллар билан назорат тартибида танишиб чиқиб, қабул қилинган қарор билан келишилган. Ч.Аббосовга нисбатан тўпланган маъмурий материал 2012 йил 24 январь куни жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судида кўриб чиқилган ва МЖтКнинг 41-моддаси билан айбдор деб топилиб, энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима жазоси тайинлаш ҳақида қарор қабул қилинган.

Талаба оила қуришга тайёрми?

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб воя га етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг илм олишлари, касб-ҳунар эгаллашларига давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Зеро, ҳар қандай давлат ва жамият ёш авлод қиёфасида ўз келажагини, эртанги кунини кўради. Демак, келажагимизнинг қай даражада гуллаб-яшнаши, юртимиз тараққиёти бевосита фарзандларимизга берилаётган таълим-тарбия билан боғлиқдир.



Қудрат САЪДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Истиқлол йилларида ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлоднинг бирон касб-ҳунар соҳиби бўлишига эришиш масаласига алоҳида ёндашилди. Шу мақсадда таълим тизими ислоҳ қилиниб, ҳар бир ўқувчининг касб-ҳунар эгаллаши мажбурий қилиб қўйилди ва бу давлат томонидан бепул амалга оширилмоқда.

Хоразм аҳолисининг 36,4 фоизини, яъни 585,5 минг нафарини вояга етмаганлар ташкил қилади. Уларнинг 94873 нафари мажбурий узлуксиз таълимнинг сўнгги босқичи — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқишга жалб қилинган. Умумтаълим мактабларининг юқори синфларида, касб-ҳунар коллежларида таҳсил оладиган ёшлар балоғатга етиш даврини бошдан кечирадилар. Бу даврда уларда сезиларли даражада жисмоний ва руҳий ўзгаришлар кузатилади. Шу боис ҳам улар билан ишлашга алоҳида ёндашиш талаб қилинади. Бу даврда ўспиринларни эҳтиётлаш, уларга диққат-эътиборни кучайтириш лозим бўлади. Ана шундагина келажакда фақат жисмонан эмас, ҳам маънан, ҳам руҳан соғлом авлод юзага келади. Хоразм вилоят прокуратураси томонидан вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини шакллантириш, турли ёт ғоя ва иллатлардан асраш борасида амалга оширилаётган тадбирларда ушбу жиҳат, албатта, эътиборга олинади.

Прокуратура идоралари томонидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари, вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга йўналтирилган чора-тадбирлар туфайли 2012 йилнинг биринчи ярмида вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тенглигича қолган. Бироқ мақсадимиз жиноят илдизини таг-томири билан йўқ қилиш экан, хотиржамликка берилишга ҳаққимиз йўқ.

Бунда эса ёш авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишнинг, улар дунёқарашини бой маънавий меросимиз кўмагида шакллантиришнинг аҳамияти катта.

2011-2012 ўқув йилида вилоятдаги 531 та умумтаълим мактабларининг 9-синфини 30006 нафар ўқувчи тамомлади. Уларнинг 14843 нафари қизлар, 15163 нафари ўғил болалардир. Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш мақсадида 9-синф битирувчилари учун 101 та экскурсиялар, 56 та "очиқ эшиклар куни", 48 та иншолар танлови, 259 та давра суҳбатлари, 11 та "Мутахассислигинг — сенинг келажагинг" кўргазмалари ўтказилди. Натижада мактаб битирувчилари таълимнинг кейинги босқичига тўла қамраб олинди.

2011-2012 ўқув йилида 85 та касб-ҳунар коллежини 30356 нафар, 6 та академик лицейни 1901 нафар ўқувчи битирди. Коллеж битирувчиларининг иш жойларини аниқ белгилаш мақсадида 30161 нафар битирувчилар билан 14579 та иш берувчи корхона, ташкилот, муассаса ўртасида уч томонлама шартнома тузилган. Шунингдек, вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида, меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, ҳар ойда корхона, ташкилот ва муассасалардаги мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар шаҳар ва туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан жойлардаги касб-ҳунар коллежларига тақдим қилиб борилмоқда.

Бўш иш ўринлари ярмаркаларидан бири шу йил 22 август куни Урганч шаҳридаги Амир Темур номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. Унда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Пўлат Бобожонов сўзга чиқиб, ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасида эканлиги, улар бандлигини, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш чоралари мунтазам равишда кўриб борилиши ҳақида тўхталди. Ушбу ярмаркада 487 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд 4153 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Ярмарка натижаларига кўра, 268 нафар ёшлар, жумладан, 154 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчилари муқим иш ўринларига эга бўлдилар. 462 нафар ёшлар, шундан 279 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиларига эса меҳнат қонунчилиги ва ҳуқуқига доир маслаҳатлар берилди.

2012 йилда коллеж битирувчиларига жами 2 миллиард 627,8 миллион сўмлик кредит ажратиш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда 536 нафар битирувчиларнинг "бизнес лойиҳалари"га банклар томонидан ижобий хулосалар берилган ва уларга 1 миллиард 802 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилган, натижада 571 та ишчи ўрни яратилган.

Ёшларни муносиб ворислар қилиб тарбиялаш ҳақида сўз кетганда, воҳада улар учун яратилаётган шарт-шароитлар кўламининг тобора ортиб бораётганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бетакрор қиёфа касб этаёган Ал Хоразмий кўчасида Тошкент ахборот технологиялари университетининг янги биноси қад ростлади. Ушбу кўчада турар жой бинолари, 3 та меҳмонхона ва бошқа маиший иншоотлар бунёд этилмоқда. Улар ёшларимизнинг муносиб турмуш кечиришларига хизмат қилади. Кўча бошидаги мусиқий фаввора, болалар ва истироҳат майдончаси ҳар доим гавжум. Урганч Давлат университетида реконструкция ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1 августига қадар Урганч шаҳрининг марказий қисмида 55,3 млрд. сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари ҳамда барча туманларда озиқ-овқат ва нозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 138 та лойиҳалар амалга оширилган. Қишлоқларда ҳам ёш оилалар учун юзлаб турар жойлар бунёд этилмоқда. Урганч шаҳри марказида қайта таъмирланаётган "Ёшлар кўли" нафақат ёшлар, балки барча хоразмликлар ва меҳмонлар учун маънавий-маданий ҳордиқ чиқарадиган масканга айланиши аниқ.

Биз юқорида балоғатга етаётган ўғил-қизлар билан муносабат алоҳида ёндашувни талаб қилиши ҳақида айтиб ўтган эдик. Бугун барчамизни ташвишлантираётган ва зудлик билан ҳал қилишимиз лозим бўлган муаммо никоҳ ёшига етмаган қизларни шариъий никоҳ орқали эрга турмушга бериш ҳолатларининг олдини олишдир. Шу мақсадда оилада тиббий маданиятни шакллантириш, маънавий муҳитни соғломлаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида таълим муассасаларида ва маҳаллаларда тизимли тарғибот тадбирларини кучайтиришимиз лозим бўлади. Ушбу йўналишда вилоятдаги маҳалла ва таълим муассасаларида 539 та тарғибот тадбирлари ўтказилган. Шунингдек, вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчи қизларининг ҳар ўн нафарига биттадан бошланғич хотин-қизлар қўмиталари раислари, маслаҳатчилар, обрўли онахонлар бириктирилган. Улар 9-синф битирувчи қизларининг таълим йўналишини танлашга, коллеж битирувчи қизларининг бандлигини таъминлашга кўмаклашиб, эрта турмушнинг салбий оқибатлари борасида бевосита оилаларнинг ўзида суҳбатлар ўтказиб келмоқдалар.

2012 йил муҳтарам Президентимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинди. Оиланинг мустаҳкам бўлишида турли ижтимоий-иқтисодий, маънавий омиллар билан бирга томонларнинг, айниқса, қизларнинг никоҳ ёшига етган бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасида "Никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланади. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин"лиги қайд қилинган. Бироқ, афсуски, айрим ота-оналарнинг нотўғри фикрлашлари оқибатида айрим ҳолларда 17 ёшга тўлмаган қизларни турмушга бериш ҳолатлари учрамоқда. Маълумотларга кўра, 2011-2012 ўқув йилида таҳсил олаётган 371 нафар талаба қизлар турмушга чиққан, шундан дарс машғулотларига сабабсиз қатнашмасдан келаётганлари 51 нафарни ташкил қилади. Янада ачинарлиси, 2011 йилда 5 та ҳолатда 16 ёшга тўлмаган қизларни турмушга бериш ҳолатлари аниқланган. Кейинги икки йилликда вилоятда 28 та ҳолатда 16-17 ёшли қизлар орасида фарзанд кўриш ҳолатлари қайд қилинган.

Албатта, бу каби қонунбузарликлар бўйича айбдорлар Жиноят кодексининг тегишли моддалари асосида жавобгарликка тортилган. Бироқ бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари саъй-ҳаракатлари билан эришиб бўлмайди.

Балоғатга етмаган қизларнинг оила қуриши кенг жамоатчиликни ҳам ташвишга солиши керак. Аввало, 17 ёшга тўлмай туриб турмушга узатилган қизларнинг аксарияти ҳали ўқув муассасаларида, жумладан, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган бўлади. Бу эса қизларнинг касб-ҳунар сирларини етарли даражада ўзлаштиришига салбий таъсир қилади, оқибатда у мутахассис сифатида келажакда оиласига ва жамиятга наф келтира олмайди. Қолаверса, ҳали бу қизлар турмушнинг паст-баландини яхши тушунмайдилар. Оқибатда қайнонакелин, эр-хотин муносабатлари салбий томонга юз буради. Бу ёшдаги қизлар ҳали ўзлари бола эканлигини инобатга олсак, уларнинг организми фарзанд кўришга тайёр эмаслигини тушунтиришга ҳожат қолмайди. Улар соғлом фарзандларни дунёга келтиришга қодирми, деган ҳақли савол туғилади. Бола соғлом туғилган тақдирда ҳам, вояга етмаган ёш она фарзандини тўғри парваришлай ва тарбиялай олмайди. Қўлида ҳунари бўлмаган, дунёқараши тор она фарзандини жамиятга муносиб инсон қилиб тарбиялашга қодирми? Бу каби қатор сабаблар 17 ёшга тўлмаган қизларни турмушга узатиш мумкин эмаслигини асослайди. Буни фарзанд тарбиялаётган ҳар бир ота-она яхши тушуниши шарт ва зарур.

Оила масаласига давлат сиёсати даражасида қаралаётган, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётган экан, бизнинг бефарқ бўлишга асло ҳақ-қимиз йўқ. Ёшларни оила қуришга тайёрлаш фақат ота-она ёки маҳалла маслаҳатчиларининг вазифаси эмас. Айниқса, эрта никоҳ масаласига маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар, кўпни кўрган отахону онахонлар ҳам масъулият билан ёндашишлари, ўз қизининг гулдай умрини кўра-била туриб хазон қилаётган ота-оналарга маслаҳат қилишлари қарз ва фарз эмасми?

Оила — муқаддас маскан. Унинг мустаҳкам қўрғонга айланиши, давлат ва жамиятга чинакам тиргак бўлиши, жамиятнинг бир кўриниши сифатида ўзини намоён қилиши учун фарзанларимизни оила қуришга тўғри тайёрлашимиз керак, ўзимиз шахсий ибрат кўрсатишимиз шарт ва зарур. Зеро, оилани асраб-авайлашга барчамиз бурчлимиз.





Алдов асираси

Одам савдоси бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти учун долзарб муаммо бўлиб қолаётгани, миграция жараёнларининг кучайиши оқибатида унинг қамрови тобора кенгайиб бораётгани, бу трансмиллий жиноий фаолият турига қарши курашиш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларига айланиб бормоқда.



Искандар КАЗАКБАЕВ,
Зангиота туман прокурори

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги 911-сонли Қарори билан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Аввалambор, аҳолининг бандлиги даражасини ошириш масаласига эътибор кучайтирилди. Бунда республикада тадбиркорликни, шу жумладан, кичик бизнесни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, унинг йўлидаги маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 911-сонли Қарори асосида одам савдосига қарши курашиш йўналишида Республика Идораларо комиссияси ва ҳудудий идораларо комиссиялар томонидан муайян вазифалар амалга оширилиб келинаяпти.

Афсуски, шундай бир шароитда ҳам ҳуқуқий онгги етарли бўлмаган айрим фуқароларимиз ҳануз одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг қурбонига айланиб қолмоқдалар.

Турмуш ўртоғи бевақт вафот этган Дилноза Аҳмедованинг (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) фарзандлари билан ота уйига қайтиб келишдан ўзга чораси қолмаган эди. Бироқ бу билан ҳам унинг муаммолари камаймади: уй-жой, болаларнинг моддий таъминоти борасида қийинчиликларга дуч кела бошлайди.

Қўлида на ҳунари, на дипломи бўлмаган аёл тузукроқ иш топишнинг уддасидан чиқа олармиди? Аслида, бирор ишнинг бошини тутиб, сабр-тоқат билан меҳнат қилишга, борига қаноат қилишга унинг бўйни ёр бермади. Осон йўл билан кўпроқ пул топиш истагида хорижга — Туркияга кетади.

Бироқ чет элда ҳам пул топиш учун меҳнат қилиш керак. Бойларнинг уйида хизматкорлик қилиб топган пули ҳеч нарса бўлмади. Бир неча марта Туркияга бориб ишлаб ҳам бири икки бўлавермагач, буткул тушкунликка тушиб қолган Дилноза аммаси Ҳулкар Ҳожибоевадан ёрдам сўраб боради. Бу унинг хатоси эди...

Дилнозанинг аммаси, яъни Ҳ.Ҳожибоева Тошкентдан Паркентга келин бўлиб тушган бўлиб, жиянининг аҳволидан яхшигина хабардор эди. Шунинг учун фурсатни бой бермай ўз жиянини қайнопаси Гулмира Мирбобоевага рўбарў қилади.

Дилнозанинг арз-додини тинглаган Г.Мирбобоева арқонни узун ташлайди:

— Қандай яшаш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Мана масалан, мен, ҳаракат қилдим, ишладим. Ҳозир Дубайда дўконларим, уй-жойим бор. Ҳаёт қийинчиликларидан нолиб ўтиравермай, сен ҳам ҳаракат қил. Ҳали ёш экансан...

— Гапларингиз тўғри, опажон. Лекин нима қилай, омадим чопмаяпти. Йўл-йўриқ кўрсатиб, ёрдам берсангиз, — дейди умидвор бўлиб Дилноза.

— Майли, бегона эмас, келиним Ҳулкарнинг жияни экансан ёрдам бераман. Айтганимдай, Дубайда бизнесим бор. Истасанг, сениям жўнатаман. Дўконда сотувчи, ҳеч бўлмаганда фаррошлик қиласан. Бошланишида ойига минг доллар, кейинроқ янаям кўпроқ оласан.

Бундай "мехрибончилик"-дан боши осмонга етган Дилнозани "Дубайга кетиш" деган бироз шубҳали, таҳликали ўй ҳам тўхтатиб қололмади.

— Йўл кирани, бошқа харажатларни нима қиламиз? Бизда ортиқча пул йўқ...— сўрайди Дилнозанинг онаси.

— Савоб иш қилсанг, охиригача қил дейишган. Ҳамма харажатлари менинг ҳисобимдан, ишлари юришиб кетса, ўзимиз келишволамиз, — дейди ўлжасини қўлдан чиқаришни истамаган Г.Мирбобоева.

Ота барибир ота-да. Бахтидан тинмаган қизининг яна бегона юртга, айнан Дубайга кетаётгани отасини ўйга ботирди.

— Дубайга кетаётганлар ҳақида ҳар хил гаплар юради...— деди у иккиланган бўлиб.

— Эл оғзига элак тутиб бўлармиди? Қизингиздан хавотир олманг, ҳалол йўл билан пул топади. Мени биласиз, ҳожи она, ҳожи отанинг қизиман, алдамайман, — дейди ўзини художўй кўрсатиб Г.Мирбобоева.

Аслида Г.Мирбобоеванинг мақсади, машъум режаси нима эканлиги Дилноза Дубайга етиб борганидан кейин аён бўлади.

Дубай аэропортида хушмуомала, ясама табассум билан кутиб олган Г.Мирбобоеванинг синглиси Гулбаҳор ва ўзини "Шоҳиста" деб таништирган аёл уни қандайдир хонадонга бошлаб келишади. Бу ердаги қизларни кўрган Дилноза қопқонга тушганини тушуниб етади. Аммо энди анча кеч бўлган эди...

"Ҳеч қанақа дўкон-пўкон йўқ. Танангни сотиб пул топасан!".

— Ахир менга Гулмира опа бутунлай бошқа нарсани ваъда қилган эди-ку, — дейди Дилноза норозилигини билдириб.

— Ўзингни фаришта кўрсатмай қўя қол. Буёққа келаётганингда ўзинг ҳам, отаонанг ҳам нима мақсадда уйдан чиққанингни жуда яхши билгансанлар. Кўнсанг шу, кўнмасанг ит азобда, чўл-биёбонда ўлиб кетасан, — дейишди унга.

Шу кундан бошлаб Дилноза бу уйда бўлган бошқа қизлар қатори фоҳишалик қилишга мажбур этилди.

Бундай хўрликка чидай олмаган Дилноза навбатдаги "мижози" — "Мустафо Ақил" исмли йигитга ялиниб-ёлвориб, уни бу азобдан қутқаришини, Ўзбекистонга қайтишига ёрдам беришини сўрайди. Рус тилидан озми-кўпми хабардор бу араб йигитнинг унга раҳми келиб, ёрдам беришга рози бўлади. Бир амаллаб, паспортини қўлга киритган Дилноза Г.Мирбобоеванинг уйидан қочишнинг уддасидан чиқади. Бу орада у ота-онасига бўлган воқеани телефон орқали хабар беришга улгуради.

Шу тариқа, "Мустафо Ақил" ёрдамида аввал Истанбулга, ундан Ригага, кейин эса Тошкентга учади.

Дилнозанинг қочиб кетгани ҳақидаги хабар Гулмира Мирбобоевага етиб келганида, у фиғони фалакка чиқиб, ўша куниёқ Дилнозанинг ота-онасиникига бостириб боради.

— Яхшиликни билмаган нонкўрлар. Мен қизларингни деб, қанча харажат қилдим? Бир тийин фойда кўрмадим, қайтага зарар кўрдим. Агар 10 минг доллар тўламасанглар, қизингизни қайтиб кўрмайсизлар. Болаларинияям тинч қўймайман!

Ўртада жанжал бошланади. Орага ҳамма ишни бошлаган амма — Ҳулкар Ҳожибоева ҳам қўшилади. Тазйиқлар кун сайин орта боради.

Бу орада Дилноза Тошкентга етиб келади ва барча нарсага ойдинлик киритилади. Томонлар муросага келгандай бўлади, аммо энди одамфурушлар 10 минг эмас, 6 минг АҚШ доллари тўлашни талаб қила бошлашади.

Одам савдоси жиноятини содир этганлар энди товламачилик йўлига ўтишади. Бу можароларга Г.Мирбобоеванинг онаси — 65 ёшли "ҳожи она" Малоҳат Мирбобоева ҳам аралашади. Қизи ва келинини тартибга чақириш ўрнига, у ҳам товламачиларга қўшилиб, пул талаб қилишда давом этади.

Аввалига қудачилик, қариндошчилик сабаб, қолаверса, қизларининг бадном бўлишидан андиша қилиб сукут сақлаган Дилнозанинг ота-онаси ҳуқуқ-тартибот органига мурожаат қилишга қарор қилишади.

Одам савдоси ортидан пул топишни касб қилган бу кимсалар ўйлаганидек, "шаҳар бедарвоза эмас". Инсон, шахс, фуқаро ҳуқуқлари, унинг шаъни ва қадр-қиммати мустаҳкам қонунлар ҳимоясида.

Тергов давомида кўп нарсаларга ойдинлик киритилиб, жиноий гуруҳ фаолияти фош этилди. Маълум бўлишича, одам савдоси орқали мўмай даромад олишни мақсад қилган Г.Мирбобоева келини Ҳ.Ҳожибоева, синглиси Г.Мирбобоева ва дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган бошқа шахслар билан жиноий тил бириктириб, аёлларни алдаб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилиш мақсадида ёллаб, хорижга жўнатиш билан шуғулланиб келган.

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг ҳукми билан жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳар бири қонуний жазосини олди. Г.Мирбобоева ва Ҳ.Ҳожибоеваларнинг ҳар бирига 11 йилдан озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланди. Кўра-била туриб ана шундай жиноятларга имкон яратиб берган, ҳатто жиноятчиларга ён босиб келган М.Мирбобоева ҳам қонуний жазосини олди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ушбу ҳолатда ҳам лоқайдлик, ишонувчанлик ва ҳуқуқий саводсизлик жиноятнинг содир этилишига сабабчи бўлган. Ушбу жиноят тафсилотини баён қилишимизда мақсад, яна бир бор ёшларимизни енгил-елпи ҳаётни, осон пул топишни орзу қилиб алданиб қолмасликка, ҳушёрликка ундашдир.

Шунинг учун ҳар биримиз одам савдоси муаммосининг жиддийлигини, унинг тагида давлат, миллат обрўси, халқ саломатлиги, келажак авлоднинг тақдири ётганлигини чуқур англашимиз ва унга қарши курашда фаол иштирок этишимиз лозим.

Ҳийлагар фермер

Тўлқинжон ДАДАМИРЗАЕВ,
СВОЖЖДЛКК Департаментининг Наманган вилоят бошқармаси бўлим инспектори
Илҳомжон ПАЙЗИЕВ,
бошқарма катта инспектори

Бугун ҳукуматимиз томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси йўлида кўплаб қонун ва фармонлар қабул қилинмоқда. Бунга жавобан фермерларимиз ҳам ҳалол меҳнатлари билан иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Кўплаб фермерларимиз олаётган соф фойдалари ҳисобидан мактаблар, болалар боғчалари қуриб беришмоқда. Хайрли ишларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатишмоқда. Аммо... аммо айрим "шоли орасидаги курмак"лар ана шу эзгу ишларга соя бўлиб, умумманфаатидан кўра ўз манфаатларини устун билмоқдалар.

2004 йил 11 февралда Чуст тумани ҳокимлигидан рўйхатдан ўтган "Чуст тайёрлов чорвачилик" фермер хўжалиги раҳбари Азимжон Ҳожиев ана шу тоифага мансуб. У аввалига бинойидек ишлаб юрганди. Бироқ бора-бора беғамликка, ўзбилармонликка берилди. Унинг учун қонун-қоидалар аҳамиятсиздек эди.


Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандида "Чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжаликларга, шунингдек, паррандачилик корхоналарига ажратилган суғорма ерлар фақатгина ем-хашак экинлари экиш учун мўлжалланган ва давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмайди", деб белгилаб қўйилган. А.Ҳожиев буни жуда яхши биларди. Бироқ у чорва моллари учун озуқа экинлари экилиши лозим бўлган 10 гектар ер майдонларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиб, Ер кодексининг 40-моддаси талабларини кўпол равишда бузиб, 2011 йил март ойида 1,5 гектар ер майдонини фуқаро Х.Хожамқуловга 750 минг сўмга ва Р.Хожамқуловга 1,5 гектар ер майдонини 750 минг сўмга пуллади. 2011 йил сентябрь ойида яна шу фуқароларга 3 гектар ерни пулини ҳосилни олгандан кейин бериш шарти билан бериб юборди.

А.Ҳожиев ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, юқоридаги Қарорда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари чорва молларини кўпайтириш, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини тўлдиришда фаол иштирок этиши белгиланган бўлса-да, аксинча иш тутди. Яъни чорва молларини боқмасдан, 2008 йилда 65205,0 минг сўмлик, 2009 йилда 89306,9 минг сўмлик, 2010 йилда 164699,2 минг сўмлик ва 2011 йил 31 декабрь ҳолатига 259819,7 минг сўмлик, жами 579030,8 минг сўмлик гўштни бозорлардан нақд пулга сотиб олиб, ушбу маҳсулотларни бюджет ташкилотларига ўтказиб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдорда бузган.

Бундан ташқари, А.Ҳожиев ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, мазкур қарорда белгиланган "чорвачилик маҳсулотларини, жумладан, унинг қайта ишланган маҳсулотини сотиш тушумидан давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин", деган имтиёзлардан ноқонуний фойдаланган ҳолда 2008 йилда 200,1 минг сўм, 2009 йилда 32,7 минг сўм, 2010 йилда 5.764,5 минг сўм, 2011 йилда 12861,0 минг сўм, жами давлат томонидан белгиланган 18.858,3 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тақроран тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Албатта, бу каби "қалтис ҳаракат"-лар бир кун келиб фош бўлади. Шундай бўлди ҳам. Ўтказилган текширишлар ҳийлагар фермернинг барча жиноий қилмишларини фош этди. Шунингдек, у суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

“Урганч ёғ-мой” ОАЖ жамоаси





Серқуёш диёримизда истиқомат қилаётган барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Сизларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга эса файзу барака тилайди.



«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилоят филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 24 августдаги 67/ас-сонли буйруғига асосан, "Барион" МЧЖга қарашли, давлат мулки бўлган, Наманган вилояти, Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси 51-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси - 105 367 642 сўм бўлган ошхона ва чойхона бино иншоотлари қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: "Барион" МЧЖ.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш.

Бино-иншоотлар қурилиш ости майдони 550 кв.метр, умумий ер майдони 550 кв.метр.

Бино ва иншоотларда электр тармоғи мавжуд, бошқа коммуникация тармоқларига уланмаган.

Аукцион савдоси 2012 йил 2 октябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 1 октябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2012 йил 2 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 9 октябрь ва 16, 23 октябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 9 октябрдаги савдолар учун 2012 йил 8 октябрь куни соат 18:00; 2012 йил 16 октябрдаги савдолар учун 2012 йил 15 октябрь куни соат 18:00; 2012 йил 23 октябрдаги савдолар учун 2012 йил 22 октябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Наманган вилоят филиалининг АТИБ "Ипотекабанк" Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўланади: х/р: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб-рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Аукцион савдолари Наманган шаҳар Нодира кўчаси, 3-уйнинг, бинонинг 4-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Наманган шаҳар, Нодира кўчаси, 3-уй. Тел: (факс) (8-369) 226-27-01, 226-54-47. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Электрон почта манзил: Namrieltsavdo@inbox.uz

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилоят филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 21 августдаги 48-сонли буйруғига асосан, Ғаллаорол тумани ҳокимлигига қарашли Ғаллаорол туман, Молтоб ҚФЙ, Янгиқишлоқ қишлоғида жойлашган, **бошланғич баҳоси — 30 294 000,0 сўм** бўлган эски қозонхона биноси қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Ғаллаорол туман ҳокимлиги.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Бошқарув.

Ер участкасининг умумий майдони 2952 кв.м. ҳамда бино эгаллаган умумий ва фойдали майдони 156,16 кв.м.

Аукцион савдоси 2012 йил 2 октябрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 1 октябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2012 йил 2 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 18 октябрь ва 1, 15 ноябрь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 18 октябрдаги савдо учун 2012 йил 17 октябрь куни соат 18:00; 2012 йил 1 ноябрдаги савдо учун 2012 йил 31 октябрь куни соат 18:00; 2012 йил 15 ноябрдаги савдо учун 2012 йил 14 ноябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Жиззах вилоят филиалининг АТИБ "Ипотекабанк" Жиззах вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўланади: х/р: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб-рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Аукцион савдолари Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй, мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй. Тел: (факс) (8-372) 222-34-16. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Электрон почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилоят филиали очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдосига Қашқадарё вилоят Давлат мулк бошқармасининг 2012 йил 28 августдаги ХБ-260/08-сонли буйруғига асосан Қашқадарё вилоят Чироқчи туманида жойлашган "Чироқчи пахта тозалаш" АЖга қарашли умумий ер майдони 986,64 кв.метр, фойдали майдони 598,14 кв.м. бўлган "Ошхона биноси" танлов савдосига қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 148 166 177 сўм.**

"Объект"нинг танлов савдолари орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгиланган:

— 148 166 177 сўмдан кам бўлмаган энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш,

— энг юқори миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш,

— сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш,

— янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш бўйича бизнес режаси тақдим этиш.

Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни савдо ташкилотчиси "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалига тақдим қилишлари ва объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат келишувга асосан "KMSX" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ "Ипотека" банк Қашқадарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000004920609009, МФО 00190, СТИР 207122519

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари закалат тўловни эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари) ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширади.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалига тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин.

Танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 28 сентябрь Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади (таклифлар тушмаган тақдирда такрорий танлов савдолари 2012 йилнинг 16 октябрь, 31 октябрь ва 15 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдоларга танлов таклифларини қабул қилиш бир кун олдин соат 18:00да тўхтатилади).

Танлов таклифларини тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 29 сентябрь куни Тошкент вақти билан соат 11:00 да Давлат мулк қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида (3-қават) амалга оширилади. Таклифларни очиш вақтида танлов ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз: Қашқадарё вилоят, Қарши шаҳар, М.Абдуллаева кўчаси 20-уй, "Қашқадарё мулк Маркази" МЧЖ биноси. Тел/факс: (8-375) 225-44-58, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия № RR 0001.

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ «Аукцион» савдоларига таклиф этади!

Очиқ "Аукцион" савдоларига Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК тугатиш комиссиясининг 2012 йил 24 августдаги 268 ва 269-сонли хатларига асосан Фарғона тумани "Аввал Обод Савдо"(собиқ "Аввал" "Матлуботсавдо") МЧЖдаги компаниянинг 25 фоиз (бошланғич баҳоси 22 023 873 сўм) нархи пасайтирилган ҳолда ҳамда Фурқат туман "Нон ишлаб чиқариш" МЧЖдаги компаниянинг 25 фоиз улуши (бошланғич баҳоси 24 494 117 сўм) улушлари қўйилмоқда.

Очиқ "Аукцион" савдолари 2012 йил 2 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2012 йил 28 сентябрь куни соат 18:00 гача қабул қилинади.

Очиқ "Аукцион" савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, улушнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини тўлов ҳужжатида улушларни номини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг реквизитлари: ИНН 302128329, МФО 00500 "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 2020 8000 7049 3227 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

"EFFECT REAL GROUP" масъулияти чекланган жамияти почта манзили: Фарғона шаҳри Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй 2-қават, 21-хона.

Тел. + 99895 404 54 84.

Лицензия RR0094

Тўйхат

Эъзозга сазовор



Ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Роза Ибадуллаева қутлуғ 60 ёшни қарши олмоқда.

У прокуратура идораларидаги 34 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Бекобод туман ва шаҳар прокурорларининг ёрдамчиси, Тошкент вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ёрдамчиси, Сергели туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Роза Ибадуллаева ўз меҳнатсеварлиги, кўп йиллик амалий иш тажрибаси, теран билими, ёшлар ва шогирдларга бўлган ғамхўрлиги, одамлар билан муносабатда доимий саммимийлиги билан ҳамкасбларининг ҳурмат ва эъзозига сазовор бўлди.

Ишчанлиги, изланувчанлиги, ташаббускорлиги, бурчига фидойилиги билан жамоатчилик орасида ҳурмат қозонди. Роза Ибадуллаеванинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Роза Маткаримовна, қутлуғ 60 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт ва омад, хонадонингизга тинчлик-осойишталик тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитасининг 2012 йил 17 августдаги 53/6п, 54/6п, 55/6п, 56/6п, 57/6п, 58/6п, 59/6п, 60/6п, 61/6п, 62/6п-сонли буйруғларига асосан, "Қўнғирот сода заводи" унитар корхонаси тасарруфидаги қуйидаги бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани, Елобод посёлкасида жойлашган, **бошланғич баҳоси 633 324 700 сўм** бўлган, **"75 ўринга мўлжалланган қурилиши тугалланмаган чойхона"** биноси.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани, Елобод посёлкасида жойлашган, **бошланғич баҳоси 599 327 100 сўм** бўлган, **"умумий майдони 700 кв. метр бўлган қурилиши тугалланмаган универмаг"** биноси.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, Қораузак тумани, 40-йиллик посёлкасида жойлашган, **бошланғич баҳоси 53 654 510 сўм** бўлган, **"қурилиши тугалланмаган Маъмурий ва хизмат кўрсатиш"** биноси.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани, Елобод посёлкасида жойлашган, **бошланғич баҳоси 915 825 200 сўм** бўлган, **"қурилиши тугалланмаган божхона пост комплекси".**

5. Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани, Елобод посёлкасида жойлашган, **бошланғич баҳоси 678 765 400 сўм** бўлган, **"250 ўринга мўлжалланган ошхона ва чойхона"** биноси.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани, Елобод посёлкасида жойлашган, **бошланғич баҳоси 251 058 100 сўм** бўлган, **"қурилиши тугалланмаган автобекат"** биноси.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани, Елобод посёлкасида жойлашган, **бошланғич баҳоси 415 241 700 сўм** бўлган, **"умумий майдони 270 кв. метр бўлган қурилиши тугалланмаган ёпиқ бозор"** биноси.

8. Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани, Елобод посёлкасида жойлашган, **бошланғич баҳоси 287 409 000 сўм** бўлган, **"50 та ўринга мўлжалланган кафе"** биноси.

9. Қорақалпоғистон Республикаси, Қораузак тумани, 40-йиллик посёлкасида жойлашган, **бошланғич баҳоси 100 991 540 сўм** бўлган, **"5 та автомашинага мўлжалланган қурилиши тугалланмаган гараж"** биноси.

10. Қорақалпоғистон Республикаси, Қораузак тумани, 40-йиллик посёлкасида жойлашган, **бошланғич баҳоси 425 346 700 сўм** бўлган, **"карьер учун мўлжалланган қуввати 6кВ бўлган қурилиши тугалланмаган ички электрузаткич тармоғи"** биноси.

Давлат активларини балансда сақловчи: "Қўнғирот сода заводи" УК.

Балансда сақлавчининг ихтисослиги: Кимёсаноати.

Аукцион савдоси 2012 йил 2 октябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 1 октябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2012 йил 2 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 18 октябрь, 2 ноябрь ва 19 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 18 октябрдаги савдолар учун 17 октябрь куни соат 18:00; 2012 йил 2 ноябрдаги савдолар учун 1 ноябрь куни соат 18:00; 2012 йил 19 ноябрдаги савдолар учун 16 ноябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси бош филиалининг ОАКБ "Турон" Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўланади: 20208000504920609003, МФО:00585, СТИР:207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига етишмаётган суммани тўланишни таъминлайди.

Аукцион савдолари Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117 "Б"-уйининг, бинонинг 1-қаватдаги Ким-ошди савдоси залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Нукус ш, А.Шамуратова кўчаси, 117 "Б"-уй. Тел: (8-361) 222-84-44, Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Электрон почта манзил: user14@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида Бувайда туманида ўтказиладиган такрорий очиқ «Аукцион» савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 7-27-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 30.12.2006 йилдаги 272-сонли, 25.05.2011 йилдаги 146-сонли қарорлари ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 02.07.2012 йилдаги 19пр-сонли буйруғига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ "Аукцион" савдоларига "Янгиқадам" ҚФЙ ҳудуди 282-контурдаги 2, 19, 35 ва 37-сонли ер участкалари такрорий савдоларга қўйилади.

Ер участкаларининг ҳар бири 400 м.кв. иборат бўлиб, бошланғич баҳоси 378 000 сўм.

"Аукцион" савдолари 2012 йил 26 сентябрь куни соат 10:00да Бувайда ҳокимияти биноси мажлислар залида ўтказилади.

"Аукцион" савдоларида иштирок этувчи талабгорлар "Савдо ташкилотчиси"га қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- кўрсатилган ер участкаларини сотиб олиш истагидаги савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома;
- закалат суммаси тўғрисидаги келишув битимининг бир нусхаси;
- "Савдо ташкилотчиси"нинг реквизитлари; ИНН 302128329, МФО 00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига ер участкасининг бошланғич баҳосининг 15 фоиз (ўн беш) миқдордаги закалат суммасининг тўланганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатнинг асл нусхаси.

Савдо ғолибига савдо бўлиб ўтган кунидан 20 кун муддат ичида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тўғрисида шартнома имзолаш шарти юклатилади.

Очиқ "Аукцион" савдоларида қатнашувчиларнинг ҳуқуқий ҳужжати:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси;
- хорижий юридик шахслар - уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

Хорижий фуқаролар — чет эл давлат миллий ёки дипломатик паспорти;

- Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси;

Савдода талабгорнинг вакили иштирок этган тақдирда, белгиланган тартибда тасдиқланган ишончноманинг асл нусхаси.

Очиқ "Аукцион" савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомалар ҳафтанинг ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй 21-хонада қабул қилинади.

Закалат суммаларининг киритилиши очиқ "Аукцион" савдолари бошланишдан бир соат олдин, буюртманомаларни қабул қилиш "Аукцион" савдолари ўтказилиши белгиланган кундан (бир) олдин соат18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин. Фарғона шаҳри Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй 21-хона. тел +99895 404 54 84.

Лицензия RR 0094.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим прокурори Омон Эшқобиловга падари бузруквори **Раҳмон ЭШҚОБИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"МИКРОКРЕДИТБАНК"

MIKROKREDITBANK

очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси барча юртдошларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги билан муборакбод этади!

****

Ҳурматли юртдошлар!
"Микрокредитбанк" ОАТБ
Сизларга қуйидаги юқори
фоизли омонат турларини таклиф этади:



"МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ"

"ОИЛА ҚУВОНЧИ"

"БОЛАЖОН"



"Микрокредитбанк" сармоялари – тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Хизматлар лицензияланган

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!
AGROBANK

Омонатингизни бизга ишонинг



Агробанк омонатлари қулай, ишончли ва манфаатлидир!

Омонатга бўш пул маблағларингизни Агробанкнинг исталган филиалига қўйишингиз мумкин. Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади. Қўшимча маълумот учун 150 53 65, 150 53 32 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.
www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган



Ҳамкорликда гап кўп

Фофуржон АЛИМОВ,
"Huquq"

Ўтган ҳафта қашқадарёлик мухбиримиз, ҳассос ва ўта жонкуяр журналист Норбўта Fозиев таҳририятга қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрагач, "Буни қаранг-а, газетамиз ҳам 15 ёшни қаршилаб қолибди-я!" — деб қолди. Ҳа, вақтнинг ўтишини қаранг, назаримда кечагина эди: ўшанда, яъни 1997 йилнинг баҳор ойларида "Қонун ҳимоясида" журналининг меҳнат жамоаси ҳуқуқий газета очиш ҳақида Республика прокуратурасига таклиф билан чиққан ва прокуратура раҳбарияти бу таклифни қўллаб-қувватлаб, етарлича шарт-шароит яратиб берган эди. Шундан кейин иш бошланиб кетди-ю, 1997 йилнинг 27 август куни "Huquq" газетасининг нишона сони босмадан чиқди.

Ярим тунда икки ҳамкасбим билан худди туғруқхонада хушхабар кутаётган оталардек газета чоп этиладиган цех остонасида турганимиз кечагидек эсимда. Босмахона ҳиди аниқиб турган, бўёқлари ҳали қуришгада улгурмаган газетани қўлимизга олиб, ҳаяжондан энтикканларимизчи?! Мана шунга ҳам 15 йил бўлибди.

Аввалига Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят прокуратуралари муассислигида чоп этила бошлаган газета кўп ўтмай Республика прокуратурасининг нашрига айланди. Мақтаниш бўлмасин-у, бугунги кунда газетамиз 50 мингдан зиёд нусхада чоп этилмоқда. Агар қўлингиздаги ушбу соннинг ҳисоб рақами 816-чи эканлигини эътиборга оладиган бўлсак ва бу рақамни газетанинг ададига кўпайтирсак, анчагина салмоқли миқдор келиб чиқади. Бу билан эса ўтган даврда "Huquq" қанча хонадонда меҳмон бўлганлигини билиб олиш қийин эмас.

Бундан ташқари, шу йиллар мобайнида газетамиз қайсидир маънода юртимиздаги отахон газеталар сафидан ўрин эгаллаб, ўзига яраша мавқега ҳам эга бўлди. Буни айниқса, таҳририятга келаётган хат-хабарлар, таклифлардан ҳам билса бўлади. Аммо яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, таҳририятимиз почтасининг анча-мунча қисмини шикоятлар эгаллаши анчайин ачинарли ҳолдир. Шундай бўлса-да, бундай аризаларда кўтарилган муаммоларни ҳал этишга имкон қадар ҳаракат қиламиз. Демоқчимизки, агар 15 йил мобайнида ақалли 15 нафар аризачининг муаммосини ижобий битишига ўз ҳиссамизни қўшган бўлсак, демак, шунча йиллик меҳнатимиз бесамар кетмабди.

Шу билан бирга, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, газета бугунги мавқени эгаллашида аввало, Бош прокуратура раҳбарияти томонидан таҳририятнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, шунингдек, фидойи муштарийларимиз билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Биз бундай ҳамкорликни юксак қадрлаймиз ва шунга муносиб бўлишга интиламиз.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV | Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV | (Bosh muharrir o'rinbosari)
Gulnoza RAHIMOVA | Yusupboy G'OIPOV | Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA | (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[1] — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-5243 46 347 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G`.ALIMOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 18.00.
Topshirildi: 17.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda
Nashr ko'rsatkichi 231
Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617